

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

**Раҳмонов Фарҳод Норпўлатович**

**ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИНИНГ  
МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИНАМИК WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ**

5523600 - “Электрон тижорат” йўналиши бўйича бакалавр даражасини олишга

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

БМИ кўриб чиқилди ва химояга  
тавсия этилди “Электрон тижорат”  
кафедраси мудири  
проф. Якубов М.С. \_\_\_\_\_

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2011 йил

Раҳбар: “Электрон тижорат”  
кафедраси мудири проф.  
Якубов М.С. \_\_\_\_\_

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2011 йил

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги  
Агзамова М.Р. \_\_\_\_\_

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2011 йил

**ТОШКЕНТ – 2011 йил.**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ахборот технологиялари факультети Электрон тижорат кафедраси  
йўналиши (мутахассислик) Электрон тижорат

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Кафедра мудир  
Якубов М.С. \_\_\_\_\_  
2011 йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Битирув малакавий ишига**

**Т О П Ш И Р И Қ**

**Раҳмонов Фарҳод Норпўлатович**

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси “Хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик web сайтини яратиш”
  2. 2011 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли буйруқ билан тасдиқлайман
  3. Ишни химояга топшириш муддати \_\_\_\_\_ йил
  4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Илмий ва техник адабиётлар, Интернет сайтлар, Flash ва HTML, PHP CSS даструлаш тили, дастурлар.тадқиқот тизимининг тавсифи, тизимни яратишга техник топшириқ, объектнинг тизимли ва ишчи лойихаси ва ҳ.к.лар
  5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувнинг мазмуни (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати): **танланган мавзунинг долзарблигини асослаш; тадқиқоднинг мақсади ва уни амалга оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқлаштириш; тадқиқод натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлашни олиб бориш; хулосалар келтириб чиқариш, олинган натижаларни баҳолаш ва иқтисодиётнинг мос соҳасига тайинли таклифлар бериш.**
  6. График материаллар рўйхати: **1) веб – сайт яратиш технологияси, 2) танланган ёндашувни асослаш, 3) веб-сайтнинг структуравий схемаси, 4) маълумотлар базасининг тузилиши, 5) асосий саҳифалар, 6) хулоса**
  7. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_
- Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо)
- Топшириқ олдим \_\_\_\_\_  
(имзо)
8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи Ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топширик берилди	Топширик олинди
Кириш	Якубов М.С.	16.02.2011	16.02.2011
Назарий қисм	Якубов М.С.	02.03.2011	02.03.2011
Асосий қисм	Якубов М.С.	23.03.2011	23.03.2011
Амалий қисм	Якубов М.С.	13.04.2011	13.04.2011
Якуний қисм	Якубов М.С.	11.05.2011	11.05.2011
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Агзамова М.Р.	27.05.2011	27.05.2011

#### 9. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи белгиси)
1	Интернетда электрон тижорат юретишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари	26.01.2011	
2	Хўжалик моллари динамик web- сайтини яратишни ўзига хос хусусиятлари	16.02.2011	
3	WEB -дизайнни ташкиллаштир	24.03.2011	
4	Хулоса ва тавсиялар	17.05.2011	
5	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	29.05.2011	

Битирувчи \_\_\_\_\_

(имзо)

2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Раҳбар \_\_\_\_\_

(имзо)

2011 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

# ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**Талаба Раҳмонов Фарҳод Норпўлатович**

“Хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик web  
сайтини яратиш”

**мавзусидаги малакавий битирув ишига раҳбар**

## **ХУЛОСАСИ**

Талаба Раҳмонов Фарҳод Норпўлатовичнинг битирув малакавий иши жуда долзарб ва амалий қиррали ҳисобланиб замонавий тармоқ технологиялари, айнан Flash, HTML, PHP, CSS хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик web сайтини яратиш воситаларидан амалиётда маҳорат билан қўлланишга асосланган.

Битирув малакавий иши натижасида хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик web сайтини яратиш ва унинг дастурий интерфейси яратилди. Бу дастур одатий қўлланилаётган технологияларга қараганда афзалроқдир.

Раҳмонов Фарҳод Норпўлатовичнинг битирув малакавий иши натижасида анъанавий JavaScript, Front Page, HTML, Flash технологияларидан фойдаланиб, ажойиб интерфейс ва функционалликка эга бўлишга эришди. Раҳмонов Фарҳод Норпўлатовичнинг ишининг яратилиш жараёнида объектга қаратилган дастурлаш Delphi ва HTML ни таҳрирлаш дастури MS Front Page ни юқори даражада билиши кўрсатилган. Шу жумладан тартибллик юқори маҳорат вамураккаб масалаларни еча олишлик кўрсатилган. Умуман Раҳмонов Фарҳод Норпўлатовичнинг битирув малакавий иши қўйилган талабларга жавоб беради ва “аъло” баҳога лойиқ.

**Илмий раҳбар,  
Электрон тижорат кафедреда мудири**

**Якубов М.С.**

# ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**Талаба Раҳмонов Фарҳод Норпўлатович**

“Хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик web  
сайтини яратиш”

**мавзусидаги малакавий битирув ишига**

## **ТАҚРИЗ**

Ушбу битирув малакавий иши “Ахборот тизимлари” фани учун электрон ҳужжатларни ўз ичига олувчи ўқув қўлланма ва унинг дастурий интерфейсини яратишга бағишланган. Дастурий қўлланмани яратишда янги интернет технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланилган.

Ишда электрон ўқув қўлланмалар, электрон кутубхоналар, электрон ҳужжатлар ва уларни синфланиши ва яратилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ишнинг мавзуси долзарб ва амалий қизиқарлидир. Ишда келтирилган дастурий маҳсулот ҳақида етарлича кўрсатмалар келтирилган. Қўйилган масалани турли хил ечимлари келтирилган. Қўйилган масалани ечилишига доир бир нечта ечимлар кўриб чиқилиб, электрон қўлланма учун энг афзал усул қўлланилган. Қўйилган талабларга доир ҳужжат ва кўрсатмалар келтирилган.

Умуман иш яхши таасурот қолдиради, лекин айрим камчиликларга эга. Ишлаб чиқилган дастур кўшимча дастурий модулларни ўрнатмасдан ишлай олмайди. Маълумотлар базаси етарлича асосланмаган.

Умуман талаба Раҳмонов Фарҳод Норпўлатовичнинг тақризланувчи иши, битирув малакавий ишига қўйилган барча талабларга жавоб беради ва “аъло” баҳога лойиқ.

**Тақризчи**  
**ТДТУ Метрология ва стандартлаштириш**  
**Кафедраси доценти**

**Турғунбаев А.**

## **MAZMUNNOMA**

Ушбу битирув малакавий ишида электрон ўқув қўлланмалар асосий тушунчалари ва қуриш принциплари, яратиш асослари, архитектураси, мақсади ва қуриш масалалари кўрилган. Ишда Delphi дастурлаш тили ёрдамида электрон ўқув қўлланма дастурини график интерфейси ва ускунавий воститалари ишлаб чиқилган.

## **АННОТАЦИЯ**

В данной выпускной квалификационной работе рассмотрены основные понятия и принципы построения, основы разработки, архитектура, цель и задачи построения электронных учебников. Разработано графический интерфейс и инструментальные средства электронного учебника на языке программирования Delphi.

## **THE SUMMARY**

In the given final qualifying work the main concepts and principles of construction, fundamentals of development, architecture, purpose and tasks of construction of the electronic book are considered. The graphic interface and tools of the electronic book on the programming language Delphi is developed.

<b>МУНДАРИЖА</b>		
<b>КИРИШ</b>		
<b>I БОБ</b>	<b>ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ АНЪАНАВИЙ САВДОСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ</b>	
1.1.	Хўжалик молларини анъанавий савдосининг ташкил этилганлик ҳолатини таҳлили	
1.2.	Хўжалик молларини савдосини ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий таъминланганлиги	
1.3.	Хўжалик моллари савдосини ахборот технологиялари ёрдамида такомиллаштириш омиллари	
1.4.	Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари	
	I.бобга хулоса	
<b>II БОБ</b>	<b>ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИНИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИНАМИК WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b>	
2.1.	Хўжалик моллари электрон савдосини мультимедиали динамик web сайти дизайнини яратиш	
2.2.	Хўжалик молларини электрон савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратишининг дастури воситаси	
2.3.	Хўжалик молларини электрон савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратиш алгоритми	
2.4.	Хўжалик моллари савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратиш	
	II.бобга хулоса	
<b>III БОБ</b>	<b>ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИНАМИК WEB – САЙТИНИ ИНТЕРНЕТГА ЖОЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ</b>	
3.1.	Хўжалик моллари электрон савдосини мультимедиали динамик web сайтнинг маълумотлар базаси	
3.2.	Хўжалик молларига динамик web сайтда буюртма ва электрон тўловни амалга ошириш	
3.3.	Хўжалик моллари электрон савдосини мультимедиали динамик web сайтини интернет тармоғига улаш технологияси	
	III.бобга хулоса	
<b>IV БОБ</b>	<b>ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ</b>	
4.1.	Шахсий компьютер операторнинг маҳаллий ёритилганлиги	
4.2.	Ёнғин хавфсизлиги	
	<b>ЯКУНИЙ ХУЛОСА</b>	
	<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	
	<b>ИЛОВА</b>	

## КИРИШ

Бугунги кунда илғор компьютер технологиялари жадаллик билан ривожлангани сари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини электрон оламга жалб этилишини кузатиш мумкин.

Компьютер технологиялари ва Интернетнинг бундай тезкор суръатлар билан инсон фаолиятининг барча йўналишларига кириб келишига жуда кўп сабаблар мавжуд. Уларнинг энг асосийси бу вақт ва моддий ресурсларни тежашдир.

Нима сабабдан, деган савол туғилиши табиий, албатта. Маълумки, бу бир томондан, микродаражадаги муаммони ечади, яъни иш юритаётган корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширади, иккинчи томондан, ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлмиш макроиқтисодий муаммо - давлат ресурсларининг самарали ва тежаб ишлатилишига имкон беради.

E-commerce (electronic commerce), яъни электрон тижорат- Интернетда савдо-сотиқ ва харид қилиш. Электрон тижорат Сизга ўз вақтингиз ва пулингизни тежашга ёрдам беради. Биринчидан, ўнлаб дўконларни айланиб, керакли товарни топишга вақт сарфламайсиз, буюрган нарсангизни қисқа вақт ичида етказиб беришади. Бундан ташқари, Интернет орқали сотилаётган буюмлар нархи дўконларда сотилаётган худди шудай буюмлардан 30% дан 50% гача арзон бўлади, чунки бунда сотувчининг жой, товарни сақлаш ва бошқа ҳаражатлари нисбатан камроқ бўлади.

Электрон тижорат, яъни Интернет-компанияларнинг истеъмолчилар билан ишлаши, бизнесни ташкил қилиши, товарларни етказиши, жараёнларни дастурлар орқали бошқариши, товар танлаш жараёнини таъминлаши мумкин.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда ахборот жамиятига ўтишга интилиш кузатилмоқда. Бундай жамият қуришнинг жадаллашувининг асосларидан бири электрон тижоратнинг ривожланишидир.

Электрон тижорат - бу ахборот технологияси (тизимлари) ёрдамида товарлар устида ишлар бажариш ва хизмат кўрсатишга асосланган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

Электрон тижорат ўз ичида умумий дунёвий жараёнларнинг жамиятни электронлаштириш, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни кўриб чиқиши лозим. Электрон тижоратнинг ривожланиши бир мақсадда бўла олмайди, яъни электрон тижорат ўз ўзидан ривожланмайди. Ривожлантириш учун дунё ахборотларини янги, ҳозирги талабларга жавоб берадиган ахборот инфраструктурасини Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш лозим.

Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо давлатлар сони ошиши ва бу ташкилотларда қабул қилинган битимлар электрон тижоратнинг ривожланишига ҳақиқий имкониятларни яратади. Халқаро қабул қилинган битимлар ва интеллектуал эгаллик ҳуқуқига риоя этишга қаттиқ қўллик билан тартибга солинишини таъминлайди.

Ўзбекистонда 2003 - 2010 йиллар оралиғида электрон тижорат ривожланиши дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида бу дастурнинг амалга ошиши уч босқичдан иборатлиги кўрсатилган. Хар бир босқичда маълум ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Унда электрон тижоратнинг жорий қилиниши ва қўлланишига доир норматив-ҳуқуқий база шакллантирилади. Электрон тижорат соҳасида илмий-педагогик кадрлар ва мутахасислар тайёрланади. Республикамиз вилоятларида электрон бизнес кенгайтирилади ва ривожлантирилади.

Электрон тижоратни ривожлантириш товар ва хизматлар бозорида амалга ошириладиган операциялар шаффофлик даражасини оширишга, ўзбек ишлаб чиқарувчилар махсулотларининг жаҳон бозорига чиқишини тезлаштиришга тадбиркорлик фаолиятида янги стандартларни жорий этилишига имкон беради. Тўловларнинг электрон тизимига ўтказилиши банк чиқимларини камайтиради, шу сабабли бизнесни юритишнинг электрон шакллари жуда самарали технологик ишланма ҳисобланади.

Замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланилган тақдирда, электрон тижоратни ривожлантириш самарасида бизнесни бошқариш самарадорлигини кўп марта ошишининг эркин ва ишончли мисолини кўриш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг мақсади хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик веб сайтини яратишдан иборат.

**Мавзунинг долзарблиги** шундан иборатки, бугунги кунда электрон тижорат тушунчаси махсулотнинг янги турдаги кўриниши маълумотнинг электрон кўринишдаги шакли билан савдо қилишни ўз ичига олади. Хозирда кўпчилик харидорлар махсулот ва хизматларни излаш, нархларни солиштириш ва келишувларни олиб боришда интернет тармоғидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Бунда улар вақтдан ва ортиқча харажатлардан ютадилар. Бу турдаги савдо шаклидан фойдаланиш ҳар иккала томон учун ҳам қулай ва тезкор восита ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат юритишда замон талабига биноан махсулот ва хизматларни кенг оммага тақлиф этиш ва сотишда интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда, хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик веб сайтини яратиш айти муддаодир.

Ушбу **битирув малакавий ишининг мақсади** интернет технологиялари ёрдамида электрон савдосининг мультимедиали динамик веб сайтини ишлаш тамойилларини таҳлил қилиш, ўрганиш, Электрон тижорат юритишда ҳар иккала томон савдо қатнашувчиларига таалукли бўлган муҳитни лойиҳалаш, унинг ишини ташкил этиш стратегиясини аниқлаш, электрон бизнеснинг бугунги кунда бутун дунёда, жумладан Республикамиздаги аҳоли таҳлили, ҳамкорлар ва миждозлараро тижорат, интернет дўкони қулай интерфейсини яратиш методлари ва тамойилларини, уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш, таҳлил қилиш, шу билан бирга лойиҳалаштиришда фойдаланиладиган дастурий воситаларнинг муҳокамаси кўриб ўтилади. Ишнинг натижаси сифатида интернетда хўжалик молларини электрон савдосининг мультимедиали динамик веб сайтини саҳифаси ишлаб чиқилади.

## **1-БОБ. ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ АНЪАНАВИЙ САВДОСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.**

### **1.1. Хўжалик молларини анъанавий савдосининг ташкил этилганлик ҳолатини тахлили**

Электрон тижорат инсонларни яшаш шароити ва имкониятларини яхшилашга замин яратмоқда ва кенг йўл очиб бермоқда, бу соҳа давлатларнинг моддий томондан бойитишга ва ишлаб чиқариш фаолиятини янада оширишга қаратилган.

Ривожланган давлатларда кенг тарқалган савдо-сотик концепцияси асосида сотувчилар ўз махсулотларини Интернет орқали эълон қилишлари керак. Бу ҳолда эълон қилинган махсулотларни бошқа фирмалар орқали сотиш ва янги махсулот гуруҳларини ривожлантириш зарур.

Анъанавий савдо усуллари билан замонавий ахборот ва компьютер технологияларига асосланган масофавий савдо усулларини биргаликда олиб бориш, масофани босиб ўтмасдан туриб махсулот ҳақида маълумот олиш ёки йўл харажатларини деярли йўқотишга ёрдам беради. Анъанавий савдо усуллари орқали савдо-сотикда бугунги кунда бир оз қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шунинг учун тижорат тизимида замонавий ахборот ва компьютер технологияларига асосланган савдо усулларини кўллаш зарур. Компьютер технологиялари орқали махсулотларни сотиш ва ишларини бажариш долзарб вазифалардан хисобланади. Бундай технологиялар асосида олиб борилган хизматларни савдода сотувчи учун ҳам, харидорлар учун ҳам ўз самарсини беради.

Ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган турғун савдо-сотик услублари билан бир қаторда тадбиркорлар ўз махсулотларини халқаро Интернет тармоғи орқали савдосига ҳам эришганлар. Бу соҳа электрон тижорат деб номланиб у ўзининг юқори шиддат билан ривожланишида республикамизга ҳам кириб келди. Соҳа ривожланишидан кузланган асосий мақсад ҳозирда

мавжуд булган савдо структурасида юз бераётган хато ва камчиликларга бар хам беришдан иборат. Бунда гавдосидаги накт пул муомаласини камайтиришга эришимиз лозим. Чунки, накт пулни маълум бир хажмга эга эканлиги ва уни олиб юришда инсонларга кўп нокулайликлар туғдирмокда. Давлат томонидан босиб чикдрилаётган банкнотлар ва уни калбакилаштирилишини олдини олишга каратилаётган хавфсизлик чора тадбирларига сарфланаётган харажатларнинг қисқартирилишига олиб келади. Банкларда амалга оширилаётган операциялар даврида коғозбозлик ишларини камайтирилишига, сотувчи харидор уртасида булаётган муомаланинг масофа танламаслиги, харидор махсулот хақидаги гула туқис маълумотларни бевосита халқаро Интернет тармогида берилган WEB-саҳифа орқали хабардор бўлиши мумкинлиги, харид қилинган махсулот учун тўловнинг қулайлиги ва шу қаби куплаб сабаблар бу соҳа ривожлаишига туртки бўлмокда.

Шуни хам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, накт пулни муомаладан камайтирсак давлат банкларидан ташқарида, бозорда ва бошқа ноқонуний йўллар билан муомалада юрган накт пуллар ўз- ўзидан йўқолади. Шунингдек республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган бюджет ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи муассасаларни ишчи ва ходимларини оладиган ойлик маошлари, турли нафақа пуллари кечиктирилмасдан ўз вақтида берилади. Туланадиган хар хил солиқ турлари туғридан- туғри ходимлар электрон карточкаларидан тегишли муассасаларга ўтказиб юборилади. Бу эса иқтисодиётимизни янада жадал ривожлаишига имконият яратиб беради.

Хар бир соҳа бир мақсад учун йуналтирилганлиги қаби электрон тижорат соҳаси хам ўз олдига сотувчи ва харидорга қулайлик яратиш, тадбиркор ва ишбилармонларнинг етиштираётган ва ишлаб чиқараётган махсулотларни кам сарф харажатлар билан харидорларга етказиши, банклардан ташқари ноқонуний накт пул айланмасини чеклаш, миллий валютаимизни инфляциядан сақлаш қаби вазифаларни мақсад қилиб олган.

Ер куррамиздаги танилган ва ривожланган давлатлар ҳам бозор иктисодиёти ўтиш даврида кўп қийинчилик ва муаммоларга дуч келганлар, биз ҳам шу давлатлардан андоза олган ҳолда ўтиш давридаги қийинчилик ва муаммоларга барҳам беришимиз ва давлатимизни ривожланишига хисса кўшмоғимиз лозим.

Юқорида такидлаб ўтилган фаолият ва жараёнларга қонунда кўрсатилгандек ва оқилона ёндашсак, мустакил давлатимизнинг янада гуркираб ўсишида имконият яратган бўламиз. Электрон тижоратда офертага таклиф этиш, шу жумладан таклиф қилинаётган товарлар ишлар, хизматлар тўғрисидаги реклама ёки бошқа маълумотлар махсус билимга эга бўлмаган қабул қилиб олувчига қабул қилиб олинган ахборотнинг электрон тижоратга тааллуқли аниқ белгилаш ва оферта жўнатувчининг ҳуқуқий ҳолати, унинг товарлари ишлари, хизматлари бу товарларнинг ишларнинг, хизматларнинг нарҳлари ва уларни олиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда такдим этилиши керак. Электрон тижоратда шартнома тузиш мақсадида йулланадиган оферта, шу жумладан номуайян шахслар доирасига йулланадиган оферта:

- электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартибини;
- шартнома шартларини келишиб олиш чоғида ўзгартишлар киритиш имконияти ва тартибини;
- акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва чакириб олиш тартибини;
- ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида

жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йули билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли кайдларни ўз ичига олган бўлиши керак. Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин. Электрон тижорат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

Ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатиш буйича тадбиркорлик фаолияти. Электрон тижоратни тўрт йуналишга ажратиш қабул қилинган:

бизнес - бизнес (business to business, B2B);

Ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа кўшимча кийматни шакллантириш занжирида иштирок этувчи ташкилотлар билан самарали ва узок, муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йуналтирилган. Бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда корхоналар ўртасидаги оралик шартномалар электрон кўринишда амалга оширилади.

B2B секторига турли фирмалар ўртасидаги барча савдо муносабатлари, воситаси, сотувни ташкил қилиш, шартномаларни ва режаларни келиштириш киради. B2B тизимлари сифатида куйидагиларни тушунишади:

Procurement Systems - маҳсулот истеъмолчиларини ишлаб чиқарувчилар билан, харидорларни сотувчилар билан алоқа тизимлари.

Supply Chain Management - асосий ишлаб чиқариш учун корхонани узлуксиз равишда таъминот тўғрисида ва контрагентлар логистикаси тўғрисида ахборот билан таъминловчи тизим.

бизнес - истеъмолчи (business to consumer, B2C);

Ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа яқуний фойдаланувчи талабларини қондиришга ва узок, муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йуналтирилган. Бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда яқуний маҳсулот истеъмолчиси билан ишлаб чиқарувчи орасида келишувлар электрон кўринишда бажарилади. B2 секторига, Интернет орқали бевосита истеъмолчилар ва бошқалар билан савдо қилувчи электрон дўконлар, ташкилотлар киради.

бизнес - маъмурият (business to administration, B2A);

истеъмолчи - маъмурият (consumer to administration, C2A).

Шунингдек, кейинги вақтда истеъмолчи - истеъмолчи (consumer to consumer, C2C) ва истеъмолчи -бизнес (consumer to business, C2B) моделлари ривож топмоқда.

- Электрон тижорат қўйидагиларни назарда тутати:
- Интернетда ўз сайтини ва виртуал дўконини очиш;
- компанияни бошқариш тизимининг мавжудлиги;
- электрон рекламани ва маркетингдан фойдаланиш;
- бизнес бизнес учун ёки истеъмолчи учун бизнес моделларидан фойдаланиш.

Ишбилармонлик фаолияти. Бунда товаларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ахборот тизимлари ёрдамида амалга оширилади. Электрон тижоратда Интернет тармоғи муҳим рол уйнайди.

Электрон тижоратни ривожланишида, интернетда савдони янада яхши йулга қўйишда қуйдаги тушунчалар ҳам мавжуд:

- Электрон хужжат
- Электрон рақамли имзо
- Смарт - карта
- Электрон почта

Электрон хужжат ички ва ташқи тақдим қилиш шаклига эга. Ички тақдим қилиш шаклига электрон хужжатни ташкил қилувчи ахборотни машина ташувчисига ёзиш киради. Ташқи тақдим қилиш шакли электрон хужжатни дисплей экранда, қоғозда ёки бошқа машина ташувчисидан фарқланадиган моддий объектда, кўриш имкониятини берадиган кўринишда (кўшимча техник қурилмаларсиз) ва инсон тушуниб идрок эта оладиган шаклда акс эттирилиши учун муҳим омил ҳисобланади. Харидлар жараёнини автоматлаштириш ва уйғунлаштиришда электрон хужжатнинг ташқи тақдим қилиш шаклига таянилади. Унинг самарадорлиги Интернет тармоғини ва корпоратив интратармоқларни ишлатиш билан таъминланади.

Электрон рақамли имзо вазифалардан камида биттасининг амалга оширилишини таъминловчи аппаратли ёки дастурий воситалар қуйдагилар:

- электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш;
- электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланган ҳолларда электрон ҳужжатда электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;
- электрон рақамли имзонинг очик ва ёпиқ калитларини яратиш.

Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштириши лозим.

Электрон рақамли имзонинг ишлаб чиқиш ва текширишини таъминловчи ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган дастурий ёки техникавий воситалар. Сертификация тизими қоидаларига биноан, белгиланган талабларга биноан электрон рақамли имзо воситаларининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун берилган қоғоз ҳужжат. Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

- электрон рақамли имзо;
- жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Қонун ҳужжатлари асосида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирочиларининг келишувида бошқа реквизитлар ҳам белгиланиши мумкин. Электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ, калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қуювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. Қонун Реквизитларида номи кўрсатилган, ҳамда электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчига электрон ҳужжат жунатувчи юридик

ёки жисмоний шахс. Бу хужжатларга иисбатан ахборот воситачиси сифатида харакат қилувчи шахслар бундан истисно.

Смарт - карта шаклида амалга оширилиб, нақд пулларни электрон тасавурида сақовчли электрон ҳамён ёки электрон касса бўлиши мумкин. Смарт-карта нақд пул билан қилинадиган амалларни муаллифлаш учун керак бўлган барча ахборотни ўз ичига олади ва майда маиший тўловлар бўлиши, шахар транспорти учун кира ҳақи тўлаш ва рузномалар сотиб олишда фойдаланилади. Коммуникация тармоғи орқали компьютердан компьютерга хабарлар узатиш. Электрон почта ўз ичига матнлар, нутқ, ва тасвирларни олган ихтиёрий хабарларни фойдаланувчилар орасида узатишни автоматлаштириш учун мўлжалланган. Электрон почтанинг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- тизимга хужжатлар киритиш ва чиқариш;
- фойдаланувчиларнинг почта кутиларига хужжатлар узатиш ва бошқа фойдаланувчилардан хужжатлар қабул қилиш;
- узатишда юзага келган хатоликларни текшириш ва тузатиш;
- хужжатлар еткизилганлиги ҳақида тасдиқ нома юбориш;
- манзиллар рўйхати бўйича хужжатлар тарқатиш.

Турли ишлаб чиқарувчилар турли турга ва тузилмага эга бўлган электрон почталарни таклиф қиладилар. Кенг тарқалган тармоқ хизмати томонидан қабул қилинган ва Х.400 тавсиянома деб аталмиш стандарт томонидан белгиланадиган почтама такдим қилади. Интернет тармоғи таклиф қилган «почта узатишнинг содда баённомаси» ҳам кенг фойдаланилади.

Хабарларни компьютерда тўғридан-тўғри териб жўнатиш ва бошқалар юборган хатларни олиш имконини берадиган дастур. Инсон ёки ташкилотнинг жунатмалари келиб тушадиган электрон манзили.

Интернет тармоғида электрон хужжат айланиши ёрдамида амалга ошириладиган савдо. Телекоммуникация услуб ва воситаларидан фойдаланади. Унинг асосий мақсади, савдони соддалаштириб ва келишувларни тезлатиб,

ҳамкорларнинг ўзаро алоқада ишлаш самарадорлигини ошириш. Электрон савдо ривож топишига, «электрон маълумотлар алмашув» ва «пулларни электрон ўтказиш» технологиялари имкон яратмоқда. Бунинг натижасида фойдаланувчи ўз компютеридан:

- товарлар рекламаси билан танишиш;
- қизиқтиш уйғотган товарларни виртуал борлиқ маромида уч
- ўчулчамли рангли тасвирларини кўриб чиқиш;
- сотувчи билан электрон почта орқали музокара олиб бориш;
- шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш;
- товарларга ўз банки орқали пул тулаш;
- товарлар юкланиши ва ташилишини кузатиш имкониятларига эга бўлди.

Электрон савдо технологияларидан фойдаланиш сотувчи ва харидор учун кўпгина ҳаражат турларини қисқартиради, ходимлар томонидан бажарилаётган амаллар сонини камайтиради, савдо хизматлари сифатини оширади, хизматчиларни икир-чикир ишлардан озод қилади. Электрон савдони ташкил қилишда маълумотлар хавфсизлигига катта эътибор қаратилади. Электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо. Қонунда талаб этилган қойдаларга риоя этилган тақдирда электрон рақамли имзо ШОҶОЗ ҳужжагга шахс қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эгадир.

Электрон маълумотларни криптографик ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган белгилар кетма-кетлиги. Электрон рақамли имзо маълумотлар блокига кушиб қуйилади ва блокни қабул қилувчига, манбани ва маълумотларнинг бутунлигини текшириш ҳамда сохталаштиришдан муҳофазаланиш имконини беради. Ҳозирги кунга келиб, айрим мамлакатлар қонунчилик йули билан рақамли имзодан фойдаланишни лаёқатлилик

қонунлаштириб қўйганлар. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари рўйхатга олиш марказлари томонидан берилади.

Кенг маънода: ахборот, билимлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган иктисодиёт.

Тор маънода: тармок, технологияларига ҳамда «бизнес-бизнес» (B2B) ва «бизнес-истеъмолчи» (B2C) моделларига асосланган иктисодиёт Умумий корхонларга эга бўлган ва глобал тармок, ресурсларидан фойдаланадиган инсонлар бирлашмаси. Биринчи электрон хамжамиятлар иш қидириш, савдо, спорт ва дам олиш режалаш масалари атрофида ҳосил бўлган. Электрон хамжамиятларнинг яратилишида Интернет муҳим рол уйнайди.

1. Кенг маънода - ахборот тармоқларида пул айланишини ташкил қилиш шакли.

2. Электрон воситалар ёрдамида муомала қилинадиган нақд пулсиз сармоя.

Электрон пулларни бошланғич ривожланиш босқичида, компьютерлар бир бирларига, сотилган товар учун харидорларни сотувчи билан тўлов ҳисобларини белгилайдиган пул ҳужжатлари матнларини жўнатганлар. Кейинги босқичда, компьютерлар маҳаллий тармоқларга бирлашиб товарлар айланишини таъминлайдиган, пул муомаласи билан боғлиқ, ҳамда нотовар ҳисобларга тегишли амалларнинг барчасини бажара бошладилар. Банклараро тизимлар ва электрон тўловлар тизимлари пайдо бўлди. Ниҳоят, магнит ва компьютер карточкаларини қўллаш электрон пуллар тарқалишининг янги босқичи бўлди. Савдо транспорт ва бошқа ташкилотларда, пул ҳисоб-китоблари учун карточкалардан фойдаланиладиган, электрон кассаларни яратиш ва ўрнатиш электрон пулларнинг яратилишини яқунлади. Электрон пулларни қоғоз пулларга алмаштирадиган банкоматлар пайдо бўлди. Қўшимча хизматнинг бирлаштирилган занжирини яратиш ва ишчан дамкорларнинг оптимал узаро ишлашини таъминлаш учун ахборот теҳнологияларидан фойдаданишга асосланган Интернет - бизнес. Электрон савдо тушунчасига

нисбатан кенгроқ тушунча. Электрон бизнес куйидагиларни ўз ичига олади: сотувлар, маркетинг, молиявий тахдил, тўловлар, ходимларни излаш, фойдаланувчиларни кўллаш ва хамкорлик муносабатларини кўллаш. Асосий бизнес жараёнларини Интернет технологиялари ёрдамида ўзгартириш. Э-бизнес деб глобал ахборот тармоқларининг имкониятларидан, фойда олиш мақсадида ички ва ташқи алоқаларни ўзгартириш учун, фойдаланадиган ишчан фаолликка айтилади. Ходимларнинг ўзаро ишлаш самарадорлигини оширувчи ва режалаш ҳамда бошқариш жараёнларини оптималлаштирувчи ягона ахборот тармоғи Интернет асосида компанияни ички ташкиллаштириш; хамкорлар, етказиб берувчилар ва мижозлар билан ташқи ўзаро ишлаш (Экстранет), булар ҳаммаси электрон бизнеснинг таркибий қисмларидир. Электрон шаклда кайд этилган, электрон ракамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

Электрон хужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот техиологияларидан фойдаланилган холда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон хужжат электрон хужжат айланиши тироқчиларининг мазкур хужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган холда яратилиши керак. Электрон савдо соҳасида келишувларни содир этиш муносабати билан электрон воситалар ёрдамида шаклланадиган, жўнаттиладиган, қабул қилинадиган ёки сақланадиган ахборот. Электрон хужжат айланиши электрон хужжатларни ахборот тизими оркали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон хужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш) ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни ўтказишда фойдаланиш мумкин. Турли компанияларнинг автоматлаштирилган тизимлари орасида стандартлаштирилган ҳақидаги ишчан хужжатларини (сотиб олишга буюртма, ҳисоб ракамлари ва ҳ.к.) электрон алмашуви Компанияда ахборотга

электрон курилмалар ёрдамида ишлов бериш техпологияси. Маъмурий вазифаларни автоматлаштиш тобора кўпрок аҳамият касб этмоқда. Бу автоматлаштиришда, хужжатларга ишлов бериш тамойилларига муҳим рол ажратилмоқда. У тизимларда, компьютер мажмуаларида, маҳаллий тармоқларда амалга оширилмоқда. Электрон идораларда экспертиза ва маслаҳат хизматлари кенг тарқалмоқда. Электрон идораларда сунъий тафаккур услубияти катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Электрон идора ўрнига виртуал идора кириб келмоқда Компанияда ахборотга электрон курилмалар ёрдамида ишлов бериш техпологияси. Маъмурий вазифаларни автоматлаштиш тобора кўпрок, аҳамият касб этмоқда. Бу автоматлаштиришда, хужжатларга ишлов бериш тамойилларига муҳим рол ажратилмоқда.

У тизимларда, компьютер мажмуаларида, маҳаллий тармоқларда амалга оширилмоқда. Электрон идораларда экспертиза ва маслаҳат хизматлари кенг тарқалмоқда. Электрон идораларда сунъий тафаккур услубияти катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Электрон идора ўрнига виртуал идора кириб келмоқда, Битта харидор ва бир неча сотувчи мавжуд бўлган ҳолда, электрон бизнес доирасида турли товар, иш ва хизматларни сотиб олиш учун ўтказиладиган тендер. Муайян харидорда манфаатдор сотувчилар ўзларининг маҳсулот ва нархларини таклиф қиладилар, харидор эса, ўз нуқтаий назаридан энг яхши таклифни танлайди (нарҳи, сифати ва х.к. бўйича), сотувчига тўловни ўтказди ва аниқ вақт ичида керакли маҳсулот хизмат эгаси бўлади.

## **1.2. Хўжалик молларини савдосини ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий таъминланганлиги**

Хозирги кунга келиб электрон тижоратда катта муаммолардан бири бу интернетда ва компьютер тармоқларида ҳавфсизликни таъминлашдир. Хар хил бузғунчи, ноқонуний маълумот олмоқчи бўлганлардан ва хаккерлардан химоялаш. Маълумотларни хавфсизлигини таъминлаш асосан администраторлар малакасига боғлиқ. Шу сабабли администраторларнинг профессионал даражада ишламаганлиги сабабли бутун дуне буйича хаккерлар Интернет маълумотларига зиён келтирадилар. Ҳавфсизликни назорат қилиш учун қуйидагиларга катъий амал қилиш зарур;

- Тармоқ ва дастурни тўғри ишлаш фаолиятини доимий назорат қилиш
- Парол билан ишлаш
- WEB саҳифага ўзгартириш киритиш учун администратордан бошқага рухсат бермаслик
- Хар хил вирусларга ва бузғунчиларга қарши бўлган дастурлар фаолиятини назорат қилиш
- Ноқонуний маълумот олмоқчи бўлганларга қарши курашиш
- WEB саҳифа фаолиятини ривожлантириш учун хар хил синалмаган ва текширилмаган программалардан фойдаланмаслик
- Маълумотларни узатиш ва қабул қилишда хавфсизликни таъминлаб берувчи (криптографик) усуллардан фойдаланиш.

Бинобарин Интернетда парфюмерия маҳсулотларини сотишда ва сотиб олиш жараёнида уларни хавфсизлигини таъминлаш учун парфюмерия компанияларида ўз маҳсулотлари ҳақидаги файлларни архивлаш ҳамда компьютерларини вирусларидан сақлаш маълумотлар яратилади. Архивланган файл-бу парфюмерия компаниялари маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар файлларининг ихчамланган, сиқилган ҳолатидир. Амалда файллар билан ишлашда, яъни файлларни

бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда, нусха кўчиришда, сақлаб кўйишда, электрон почта орқали ахборот юборишда бундай файллар билан ишлаш зарурати туғилади. Парфюмерия компанияларида ўз махсулотлари ҳақидаги маълумотлар файлларни архивлашда файлларни маълум бир коида асосида сиқилган, ихчамланган ҳолатда дискда сақлаш демакдир. Архивлаш қаттиқ диск ишдан чиқиши ёки файлнинг тасодифий ўчирилиши содир булган ҳолларда жорий файл қайта тиклаш учун ёрдам берувчи восита сифатида ҳам қўлланилади. Архивлаш BACKUP пакет дастур орқали ҳам амалга оширилади.

Шу жумладан компьютер маълумотлари ва ишлаш дастурларига энг асосий салбий таъсирлар бутун Дунё Интернет тармоклари орқали тарқалмоқда. Албатта бутун дунёда маълумот алмашинув воситалари ривожлангани сари алмашинаётган маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам тўлалигича ҳал қилинмаган. Бу масалаларни ҳал этишга бўлган чора тадбирларни ҳаммаси узатилаётган маълумотлар ёки сақланган шахсий маълумотни ўзгармасдан қолиши, шунингдек талаб қилинган пунктга бузилишсиз етказиб беришга қаратилган. Бунда яна бир асосий қўлланилаётган тадбирлар бу - ҳар хил шовқинбардош қодларни қўллашдир.

Бу шовқинбардош қодлар билан кўпроқ ташқи тасодифий омиллардан ҳимоя воситасини ўтайди. Бунга мисол қилиб циклик қодни мисол қилишимиз мумкин. Бу амални коддер ва декодер қурилмалари бажаради, яъни узатилаётган маълумотни таркибига назорат элементи қўшиб жўнатилади. Бундан ташқари яна шу маълумот таркибида маълумотни адресли қисми бўлади.

Бунда шу назорат элементлари туфайли узатилган маълумот туғри ёки нотуғри қабул қилинганлиги аникланади, керак бўлса бузилган маълумот тўғриланади.

Маълумотларни хавфсизлигини тامينлашда шу сохага кириб келаетган янги замонавий ахборт технологиялари ва дастурии таъминотларидан фойдаланиш тавсия этилган. WEB саҳифани тузишда фойдаланилган JAVA-саҳифа (сайт) тузиш дастури, TOMCAT- серверни ишга тушириш дастури ва антивирус дастурларини охирги чиккан версияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ахборотларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш маркетинг режасининг энг мураккаб томонларидан биридир.

Парфюмерия маҳсулотлари ҳақида корхона истеъмолчининг эҳтиёжларини яхши хис қилгандагина фойда ола бошлайди. Бунинг учун "маркетинг текшируви" деб аталувчи, истеъмолчилар ва корхона орасида ахборот алмашиш тизими йулга қуйилган бўлиши керак.

Ахборот йиғиш бу маркетинг текширувининг бирламчи босқичидир. Асосий босқичлардан бири - парфюмерия маҳсулотлари ҳақидаги ахборотларнинг таҳлилининг амалга ошириш. Таҳлил қилинган, аниқлаштирилган ва унинг асосида хулосалар чиқарадиган ахборотларгина бирон кучга эга бўлади.

Хаддан ташқари кўп ахборот йиғиш ёки уларга эга бўлиш ҳам маркетингларнинг муаммоларидан биридир, бунда ахборотларнинг аксарияти эътиборсиз қолиб кетади. Бундан ташқари, маркетинг ахборотлари жуда қисқа даврда ўзининг муҳимлигини йўқотиш хусусиятига эга, чунки бозор конъюктурасининг жадал суръатларда ўзгариб бориши, кечаги ахборотни бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотишига олиб келмоқда.

Шу сабабли рақобатдош парфюмерия маҳсулотлари ҳақида ахборот йиғиш учун вақт ва маблағларни сарф этишдан аввал қарор қабул қилиш учун корхона раҳбарияти қандай ахборот кераклигини ва уларни қайдан қидириш мумкинлигини аниқлаб олиши керак. Маркетинг ахборотларини ҳам корхона ичида (сотув ахборотларининг таҳлили, маркетинг стратегияси ва режаси,

сотув булими ходимларининг фикр-мулохазалари ва хакозо), хам ташқарисида (истеъмолчилар ўртасида сўров ўтказиш, синаб куриш учун товарларни сотиш) йиғиш мумкин. Парфюмерия товарларини синаб куриш учун сотиш усулини кўллаш мумкин, бироқ бу маркетинг ахборотларини йиғишнинг энг қиммат усули хисобланади ва бозор мухити ва шароитларининг барчасини акс эттирмайди. Парфюмерия маҳсулотлари хақида сўров ўтказиш анчагина арзонга тушиши билан бир каторда истеъмолчиларни кўпроқ қатламларини камраб олиш имкониятини беради. Сўров анкеталаш усули билан ўтказилади парфюмерия маҳсулотлари хақида бевосита учрашув даврида берилган ахборотлар, телефон орқали анкета саволларига жавоб бериш ва почта орқали жўнатилган анкета варақларини тўлдириш. Парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маркетинг ахборотларини йиғишда истеъмолчиларнинг қатнашувини талаб қилмайдиган кузатув усулини кўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир ва у тўла-туқис корхона назорати остида олиб борилади. Бунда юзага чиқмаган истеъмолчиларни кузатиш талаб этилади, яъни парфюмерия маҳсулотларининг қачон, қаерда, қанча, қанақа ва нима сабабдан ҳарид қилишларини аниқлаш талаб этилади. Корхона ичида ёки ташқарисида йиғилган ахборотлар аввал таҳлил қилинади, сўнгра улар хақида ҳисобот тузилиб, корхона раҳбариятига тақдим этилади. Маркетинг Anahtyc5 - бу мукаммаллаштирилган ахборот-таҳлилий мажмуа бўлиб, маркетинг тадқиқотларини автоматлаштириш ва фаолиятини стратегик ва тезкор режалаштириш учун мўлжалланган.

Бу тизим парфюмерия корхоналари маркетинг фаолияти бошқарувининг ҳар бир босқичида унга мажмуавий ёндашишга имкон яратиб беради. Мажмуа модулли прияхтиттларга асосланиб яратилган бўлиб, 6 та асосий модулдан иборат:

- Модул с-Commegee - тезкор маркетинг тадқиқотлари тизими бўлиб ҳисобланади. Мижозлар хақидаги ҳамма ахборотларни тўплайди. Мижозлар

билан ишлашни автоматлаштиради. Жорий режалаштирилган алокалар, шартномалар, сотиш ва юклашларни рўйхатини тузади.

Модул Analyzer-маркетинг тадқиқотларини автоматлаштиришдир. Парфюмерия корхоналари сотиш ишлари ҳақидаги ички маълумотларни ва турли бозорлардаги рақобатчиларнинг фаолиятлари туғрисидаги ахборотларни таҳлил қилади. Маълумотларни статистик таҳлил қилиш орқали алоҳида сегментлардаги асосий истеъмолчилар гуруҳларини ва хавфли рақобатчиларни очиб, аниқлаб кўрсатади. Таҳлил динамикаси йули билан талабнинг мавсумийлигини ва ҳаётий даврларни аниқлайди.

- Модул Geo - парфюмерия маълумотларни географик картада намоён қилиш. Натижаларни географик картада акс эттириш учун жуда кенг кулайликлар яратиб беради (йул масофаларни ўлчаш оптимал йуналишларни барпо этиш).

- Модул Predictor - микроиқтисодий тақвим ва башоратлаш. Бу модулда асосий эътибор бозорга кириб боришга ва маркетинг вазифаларига қаратилади. Бир вақтнинг ўзида бир қатор башоратлашларни бир-бирита боғлиқ ҳолда олиб боришга имконият яратади. Бозорни микроиқтисодий таҳлил қилади. Башоратга аниқ ва туғри ёндашувни амалга оширади.

- Модул Conjoint - парфюмерия корхоналарида товарларни истеъмол хусусиятларини анализ, қилади. Маҳсулотларнинг истеъмол хоссаларининг оптимал бирикмаларини аниқлайди. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришни автоматлаштиради.

- Модул Portfolio - стратегик маркетинг вазифалари ечимини автоматлаштириш. Маълумотларни якуний таҳдилга тайёрлайди, яъни эксперт сўрови натижалари ва объектив бозор маълумотларини қайта ишлаб чиқиш. Парфюмерия корхоналарида маркетинг Analytics5 мажмийнинг афзаллиги шундаки, унинг модуллари бир-бири билан алоқадор. Парфюмерия корхоналарида маркетинг Analytics 5 - ёпиқ тизим эмас, аксинча унинг ҳар бир модули маълумотларни бериш ва қабул қилиш хусусиятларига эга. Бу эса

тахлил қилиш ва режалаштиришнинг ҳар бир босқичида ташқи ахборотлар билан боғланишга имкон беради. Масалан, илк таҳлил босқичида ташқи манбалардан статистик маълумотлар билан ишлаш мумкин ва бу маълумотлар Analyzer модули ёрдамида ишланади. Шундай қилиб, бу мажмуа корхонада барча ахборот манбаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Парфюмерия корхоналарида маркетинг Analitics 5 тизимининг модуллари ҳар доим ички томонлама алоқадор ва бу ягона информацией муҳитни таъминлайди, таҳлил ишларини соддалаштиради, маълумотлар йўқолишини қисқартиради. Таҳлил ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли, шунингдек тизимнинг очиқлиги туфайли бу мажмуа миждозлар билан бўлади икки томонлама муносабатларни бошқаришдаги масалаларни ҳам ҳал қилишга ёрдам беради. Парфюмерия корхоналарида маркетинг Analitics 5 - бошидан маркетингни бошқариш тизими сифатида яратилган ва шу йўсинда ривожланиб келмоқда. Ундан ташқари бу тизим кўпгина бошқа тизимлар сингари факатгина бозорга кириб бориш билан шуғулланиб қолмай, маркетингни умумий бошқарувини амалга оширади. Айрим ҳолларда Маркетинг Analitics 5 рақобатли таҳлил, башорат қилиш, таҳлиллаш сценарийсини ва бошқаларни ўтказиши ёки амалга ошириши мумкин. У тизим логистик ва хатто молиявий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам соддалаштирилган ва оддийдир.

Келажакда бу мажмуанинг режалаштириш ва бюджетлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш томон ривожланиб бориши кўзда тутилган.

Функционал хусусиятлари.

Модул Analyzer.

Таҳлиллар омбори аниқланган ҳисоб тизимининг ва маълумотлар базасига боғланмаган ва турли манбалар маълумотларидан фойдаланиш имкониятига эга. Хамкорликда таҳлил ўтказиш учун маълумотларни бир ҳисобга олиш тизимидан бошқасига ўтказганда, омбор бу маълумотлар хавфсизлигини таъминлайди.

- парфюмерия корхоналарида омбор бошқарувининг оддийлиги ва ихчамлиги: омбор структураси дастурчиларнинг ёрдамсиз осонгина созланиши мумкин. Омбор манбалардан келаётган маълумотлар билан тўлдирилиши мумкин. Бу маълумотлар электрон жадваллар ва маълумотлар базасидан ташкил топиши мумкин. Бу нарса тизимнинг хал қилинаётган вазифаларга ва маълумотларга мослашишига шароит яратиб беради.

- Тузилган ҳисоботларнинг келгусидаги янгиланишлар учун олиб кўйилиши, бошқарувчига бир ёки бир нечта омбор маълумотлари устида бир вақтда тадқиқот олиб бориш имконини беради. Бунинг учун хама тузилган ҳисоботларни маҳсус лойиҳаларда сақлаш керак.

Модул Geo.

Бу усулнинг осонлиги шундаки картани тузиш учун парфюмерия корхоналарида омбор керак бўлади ва бунга кўшимча ҳисобот тузиш ҳам талаб этилади. Маълумотларни картага жойлаштириш эса автоматлаштирилган. Бу эса тадқиқотлар натижаларини картада аке эттириш имконини беради.

### **1.3. Хўжалик моллари савдосини ахборот технологиялари ёрдамида такомиллаштириш омиллари**

Бугунги кунда интернет орқали тижоратнинг ривожланишига ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Асосийси, кафолатли хизмат ва барча иштирокчилар учун юқори хавфсизлик таъминланиши лозим. Хозирча мамлакатимиз аҳолиси орасида ҳам интернет орқали савдони амалга оширувчилар кўпчиликини ташкил этмайди. Бунинг ҳам турлича сабаблари мавжуд. Биринчи навбатда, тарғиботнинг етарли эмаслиги харидорларнинг электрон тижорат имкониятларини тўлиқ, англаб етмасликларига сабаб бўлмоқда.

Электрон тижорат Интернет орқали реклама қилишдан юзага келган. Буни айни пайтда ўзимиздаги ҳолатдан ҳам кўришимиз мумкин. Биздаги мавжуд виртуал дўконларнинг аксарият қисми ўз маҳсулотларини кўпроқ реклама қилиш билан шуғулланмоқда. Бироқ улар орасида товар етказиб берувчилари ҳам анчагинани ташкил этади.

Савдо-сотик инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Деярли ҳар куни нимадир харид қиламиз. Аҳолининг аксарият қисми учун эса савдо касбий фаолият ҳисобланади. Оддий қилиб айтганда, тижорат кунлик турмушимиз фаровонлигини таъминловчи муҳим омил саналади. Йиллар ўтиши билан савдо-сотикнинг шакллари ва турлари ўзгариб, камрови кенгайиб борди. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан эса ҳаётимизга савдонинг янги шакли - электрон тижорат кириб келди.

Ҳам вақтдан, ҳам нақддан тежайсиз. Электрон тижорат (e-commerce) - бу Интернет орқали савдо-сотик ва харидни амалга ошириш демакдир. Электрон тижорат вақтни ва пулни тежашга ёрдам беради. Биринчидан, маҳсулот қидириб, зарур нарсани топишга вақт сарфламайсиз, буюрган нарсангизни қисқа фурсатда етказиб беришади. Бундан ташқари, Интернет орқали сотилаётган буюмлар нархи дўконларда ёки бозорларда сотилаётган худди

шундай буюмлардан 30-50 фоизгача арзонга тушади, чунки сотувчида жой масаласи, махсулотни сақлаш муаммолари бўлмайди.

Истеъмолчи ўз компьютери орқали товарлар рекламаси билан танишиши, кизиқиш уйғотган махсулот хақидаги маълумотни олиши, сотувчи билан электрон почта орқали музокара олиб бориши, шартномаларни имзолаши ва махсулотларга банкдаги хисоб рақами орқали пул тўлаш каби амалларни бажариши мумкин. Электрон савдо технологияларидан фойдаланиш сотувчи ва харидор учун кўпгина харажатларни кискартиради, уларни ортиқча юмушлардан озод қилади.

Электрон тижоратнинг мамлакатимиздаги ахволи. Электрон савдодан фойдаланиш бизнесни кенг кўламда ривожлантириш имконини беради. Унинг ёрдамида савдоларни амалга ошириш соддалашиб, хамкорларнинг ўзаро алоқалари ва бизнеснинг самарадорлиги ортади.

Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантиришга сўнгги йилларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистонда МДХ, мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, Ўзбекистан Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш имконини берди. Ўтган йилларда Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказини рўйхатга олиш органининг иш бошлагани эса электрон савдонинг ривожини учун яна бир муҳим туртки бўлди. Сабаби, электрон рақамли имзо калитлари ишончлилиқни таъминловчи муҳим воситадир.

Айни пайтда, ҳукуматимиз томонидан Электрон тижоратни 2010 йилгача ривожлантириш Миллий дастури тайёрланган ва амалга ошириляпти. Ушбу дастур махсулотлар бозорида замонавий ахборот инфратузилмасини яратиш, электрон савдонинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитларни тақдим этиш ва бошқа муҳим йўналишларда асосий тамойил бўлиб хизмат қилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, UzNET сегментида ўттизга яқин виртуал web сайтларда фаолият кўрсатмоқда. Бу катта кўрсаткич эмас, албатта. Мамлакатимизда сотувчилар ҳали бундай усулнинг самарали эканлигини тўлиқ англаганларича йўқ (Forrester Research компаниясининг маълумотларига кўра, Европада 2007 йилда Интернет орқали савдони амалга оширишдан 172,4 млрд. евро даромад кўрилди) Бу борада керакли тўлов тизими ҳам шаклланган эмас. Яъни, кредит карточкалари кенг доирада ишлатилаётгани йўқ. Ушбу дўконларнинг кўпчилиги пул ўтказиш ёки товар етказиб берилган такдирда нақд тўлов шаклидаги тизимларда ишламоқда. Аста-секин баъзи дўконларда тўлов пластик карточкалар орқали амалга ошириляпти. Бу ҳозирча энг самарали усул ҳисобланади. Балки, келгусида электрон пулларни жорий этиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан бир неча йил олдин жаҳон оммавий ахборот воситаларида "Космонавтлар коинотда туриб дўконларни айланиб чиқдилар" деган хабар тарқатилганди. Ўшанда космонавтлар - В.Дежуров ва М.Тюрин халқаро космик станциясидан U18A виртуал тўлов картаси орқали харидларни амалга оширишганди. Тўғри космосдаги савдолар яқин йиллар ичида жадал ривожланиб кетмайди, аммо бу воқеа янги технологияларнинг чексиз имкониятларини яққол намоиш этиб берди.

Кредит карточкаларининг пайдо бўлиши қайсидир маънода электрон тижоратга асос бўлган эди. Интернетнинг аҳоли орасида кенг тарқалиши эса бу йўналишнинг ривож топишига янада катта йўл очиб беради. Агар Интернетни оддий бозор деб ҳисобласак, унда сотувчилар ва товарлар етарли миқдорда бўлиши ҳамма нарсани хал қилмайди. Савдо амалга ошиши учун албатта харидор ҳам бўлиши лозим. Интернетда харидор ким? У шу тармоққа уланган шахс, яъни аҳолининг қанчалик кўп қисми Интернетга боғланган бўлса, "бозор"даги харидорлар сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Ҳозир ҳатто, Ўзбекистонда ҳам аксарият кишилар интернет орқали хўжалик моллари маҳсулотларининг нархлари ва турилари ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Бу - биз учун эртакдек туюлиши мумкин. Бирок, тараққиёт инсон учун кандай имкониятлар эшигини очмаяпти, дейсиз?

Муаммолар. Бу, аввало, банк ишлари билан боғлиқ. Ханузгача банк тизимида электрон тижоратни хар томонлама эркин амалга ошириш учун тўлиқ имкониятлар яратиб берилганича йўқ. Бу эндиликда ривожланиб бораётган жараён ва келгусида зарур дастурлар ишлаб чиқилиши аниқ.

Яна бир муаммо - харидорларнинг ишончи масаласи. Бу масала ривожланган мамлакатларда ҳам тўлиқ хал этилганича йўқ;- Банк амалиётлари ва электрон тижоратни амалга оширувчи дастурий таъминотлар баъзида хатоликларга ҳам йўл қўйиши мумкин. Бир мисол. Бундан бир неча йил муқаддам АҚШда банк дастури билан боғлиқ катта можаро келиб чиққан эди. Бунинг сабаби - ушбу дастур банк амалиётларини амалга оширишда санокли центларни дастур яратувчининг хисобига ўтказиб турган. Бу кўпчилик учун сезилмаган бўлса ҳам, дастур эгасига минглаб доллар микдорида даромад келтириб турган. Шундан келиб чиқиб, дастурларнинг матнини ҳамма учун очик, қилиб яратиш керак. Бирок бундай дастурлар яратиш жуда мушкул ва кўп сармоя ҳамда вақт талаб этади. Шунинг учун ҳам уларнинг матни одатда тижорий сир бўлиб қолаверади. Одамлар эса мисқоллаб йиққан пулларини битта дастурга ишониб топширишлари керак. Бу психологик жиҳатдан осон эмас. Шу сабабдан бундай дастурларни верификациялаш ва сертификатлаш масалалари асосий ўринга чиқмоқда.

Электрон тижоратда солиққа тортиш масаласи ҳам батафсил ўрганилиши талаб этилади. Солиқсиз тижорат иктисодиётга жиддий талафот етказиши мумкин. Бундан эса биринчи навбатда аҳоли жабр кўради. Хўш, ким солиқ тўлаши керак? Товар етказиб берувчи дилерми ёки ишлаб чиқарувчими?

Бу каби ва бошқа муаммолар, табиийки, электрон тижоратнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бироқ бу сохадаги жараённи тўхтатишга уларнинг кучи етмайди. Ахир, оддий бозорларимизда ҳам турли фирибгарликларга тез-тез дуч келиб тураемиз. Бу хеч қачон бизни махсулот

сотиш ёки харид қилиш шаштидан қайтара олмаган. Хуллас, Интернет ахборотдан фойдаланиш усулини ва мулоқот мухитини ўзгартиргани каби, электрон тижорат ҳам янгича яшаш тарзини юзага келтирмоқда.

#### **1.4. Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари**

Интернет бизнес учун тақдим этадиган биринчи имконият (биринчи босқич) - маҳсулот(хизмат) хақида ахборот узатиш ва ҳамкорликка жалб қилишдир. Бу усул нафақат реклама имкониятларини кенгайтиради, балки харидор ва сотувчини икки томонлама мулоқотини ташкил этади. Интернетни бизнесда қўллаш иккинчи босқичи бўлиб электрон тижорат келади. Бу босқичда сиз компания сайтида маҳсулотни буюртма қилиб, ананавий усулда буюртмангизни олишингиз мумкин.

Бир қатор компаниялар интернетни ўз бизнесини турли томонларини ривожлантириш мақсадида қўллайдилар – бу учинчи босқич. Бу босқичда интернет бизнесни барча иштирокчиларини жамлайди: компания ишчиларини, унинг мижозларини, компания ҳамкорларини, унинг етказиб берувчилари ва ишлаб чиқарувчиларини, тармоқ савдо иштирокчиларини. Бу ҳолда электрон тижорат тўғрисида “электрон бизнесни” ташкилий қисми сифатида эътироф этилади. ЭБ тижорат операцияларини амалга ошириш барча босқичларини Интернет орқали амалга ошириш юзда тугилади, ва унинг реализацияси бизнес юритишнинг бутун моделини қайта кўриб чиқишни тақазо қилади. ЭБ Интернетдаги тижорат муомалаларининг барча томонларини қамраб олади:

- маркетинг;
- сотув;
- молиявий таҳлил;
- тўловларни ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- ишчиларни қидириш ва ишга олиш;
- истъемолчиларни қўллаб қувватлаш.

Электрон бизнес иш юзасидан ҳамкорлар, уларнинг мижозлари ва ишчиларини муносабатларининг янги махсус шаклини ташкил этади. Шундай қилиб, электрон тижоратни Интернет орқали бизнес юритиш технологияси деб эътироф этиш мумкин.

Ушбу битирув малакавий ишининг мақсади хўжалик молларни ривожига ўз хиссасини кўшаётган корхоналар фаолиятини интернет тармоғи орқали ташкил этишдан иборатдир. Бунинг учун аввало Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар ўрганилиши, бутун дунёда ва мамлакатимизда электрон тижорат мақсадида тармоқ технологиялардан фойдаланаётган мавжуд интернет веб-сайтларининг аҳволи таҳлили, улардаги муаммолар, эришилаётган ютуқлар ва яралаётган имкониятлар эътиборга олинishi зарур. Ушбу лойихани амалга оширишда қайси веб-технологиядан фойдаланиш афзаллиги ва самарали иш юритиш учун веб-сайт динамиклигини таъминлаш масалалари хал қилиниши керак. Бундан ташқари мижозлар учун етарлича қулайлик яратиши учун мамлакатимизда мавжуд электрон тўлов тизимлари ва уларнинг бугунги кунда нималарга қодир эканлиги муҳокама қилиниши ва натижада улар имкониятларидан фойдаланиб веб-сайт ишини янада мукамаллаштириш масалалари таҳлил қилиниши шарт.

### **I.бобга хулоса**

Ҳозирги кунда хўжалик маҳсулотлари савдосида электрон тижоратда интернет технологияларининг қўлланилиши таҳлили, интернет тармоғи орқали тақдим этиладиган электрон тижоратда web саҳифа ва уларнинг аҳамиятли томонлари, камчиликлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари, мамлакатимизда аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланганлик даражаси таҳлили, электрон тижоратда тўлов тизимлари ва уларда ахборот алмашуви масаласининг хал қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилди. Электрон тижорат юритишда интернет глобал тармоғидан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари келтирилди. Бу имкониятдан фойдаланиш барчага, яъни тижоратда иштирок этувчи барча шахсларга бир қанча қулайликлар келтиради. Қисқача айтадиган бўлсак, интернет тармоғида хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи веб-сайтдан фойдаланишнинг афзаллиги шуки, харидор ва

сотувчи учун маълумот алмашиш арзон, тез, қулай, исталган пайтда ва исталган жойдан туриб муурожаат қилиш мумкинлигидадир.

## **2-БОБ. ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИНИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИНАМИК WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **2.1. Хўжалик моллари электрон савдосини мультимедиали динамик web сайти дизайнини яратиш**

Сўнгги йилларда электрон дўконлар яратиш технологиялари сони кескин кўпайиб кетди. Асос ўзгармаган бўлса ҳам, шундай кучли ва қулай технология ва ёрдамчилар пайдо бўлдики, улар ёрдамида энг замонавий, юқори даражадаги сайтларни яратиш мумкин бўлиб қолди.

Бизнинг ҳам хўжалик моллари маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи электрон web сайти яратиш тамойиллари ишлаб чиқилади.

*Аввалига сайтнинг асосий ишлаш тамойилини кўриб чиқайлик.* Фойдаланувчи қайси йўл билан ўз компьютери экранида у ёки бу маълумотни кўради?

Браузер ойнасидаги адрес қаторига керак бўлган сайтнинг адреси терилгач, интернетда HTTP протоколи ёрдамида серверга уланилади ва шу сўров бўйича жавоб қайтади. Кейин эса сўровга мос қайта ишлашлар амалга ошади ёки сўров бўйича серверда жойлашган саҳифа намойиш қилинади ёки сервердаги махсус дастур ишга тушиши мумкин. У дастурнинг иши бу HTML саҳифадаги код хисобланади ва уни якуний фойдаланувчи ўз компьютерида кўради.

Шундай қилиб сайтлар икки хил: статик ёки динамик бўлиши мумкин.

Динамик сайтлар статик сайтларга нисбатан бир қатор устунликлари билан ажралиб туради. Масалан:

- *Интерактивлик* — саҳифанинг таркибида автоматик хосил бўлади, фойдаланувчининг сўровларига жавоб беради ва фақатгина унга зарур бўлган маълумотни намойиш қилади.

- *Маълумотларни сайт дизайнидан ажратилганлиги*—маълумот ихтиёрий қулай форматда сақланиши мумкин ва фойдаланувчининг сўровига биноан ихтиёрий форматда кўриниши ҳам мумкин. Динамик сайтларнинг бу

хусусияти саҳифани маълумотларини ва дизайнини тез-тез алмаштириш имконини беради.

• **Маълумотлар билан мураккаб манипуляцияларни амалга ошириш имконияти**, яъни олдинги фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни сақлаб қолиш имконияти.

Сайт яратишда статик усулни қўллаш сайт саҳифалари сони 10-20 атрофида бўлган ёки сайтдаги маълумот унчалик тез янгилашиб турилмаган тақдирда ўзини оқлайди. Бу билан сайтнинг ички шакли хатто дастурлаш технологияларига оид билимлари бўлмаган оддий фойдаланувчи учун ҳам тушунарли бўлади, лекин юқорида айтиб ўтилган устунликлардан курук қоламиз. Кўпчилик фикрича, динамик сайтлар статик сайтларга нисбатан маълумотни олиб чиқиш тезлиги паст бўлади, лекин бугунги кунга келиб серверларнинг узатиш тезлиги ошганлиги, йилдан-йилга янги технологиялар чиқиши йўқотишларнинг олдини олмоқда ва бундай фикрларни чиппақка чиқармоқда.

Бугунги кунда веб-серверларда ишлаётган операцион тизимлар булар Microsoft томонидан ишлаб чиқарилган Windows операцион тизими ва ҳар хил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган Unix (Linux) симон операцион тизимлар ҳисобланади.

Unix симон операцион тизимларнинг энг катта устун тарафи биринчи навбатда, жуда арзон дастурий восита, кўп ҳолатларда эса текин варианти билан ҳам керакли натижага эришиш мумкинлигидир. Нархининг арзон бўлишига қарамай жуда юқори имкониятлари, кенг диапазонли қуйлайликлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин кўпинча сайтларни ички маълумотлар базаси ва ташқи компьютер станцияси ўртасида интеграция қилишга тўғри келади. Шу пайт мослашувчанлик муаммоси дунёга келади, зеро деярли барча офисларда Windows операцион тизими ишлатилади.

Сўровларга жавоб берувчи ва якунида маълумотларни веб саҳифа кўринишида чиқарувчи дастурий восита веб-сервер дейилади. Энг машҳур веб

серверлар булар Windows оперцион тизими остида ишловчи IIS (Internet Information Server) ва Unix симон оперцион тизимлар остида ишловчи Apache хисобланади, ундан ташқари Apache ҳам Windows оперцион тизими билан ҳам ишлаши мумкин.

Сайт саҳифаларига интерактивлик ёки ўзига хосликни берувчи дастурлаш тилларини умуман олганда икки хил турга бўлиш мумкин. Биринчи – ҳамма ишни сервер тарафда бажарувчи ва фойдаланувчига фақат тайёр саҳифани чиқарувчилар бўлса, иккинчи турдаги дастурлаш тиллари ўз вазифасини фойдаланувчи тарафда бажаради.

Сервер базасида ишловчи динамик сайтлар яратиш учун қулай воситалардан энг машхурлари булар PHP, Perl, Java, ASP, ASP.NET, SSI, ActiveX ва бошқалар киради. Клиент қисми учун мўлжалланган воситаларга JavaScript, Flash, Macromedia Director, VBScript ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Клиент қисмида ишловчи дастурлаш тилларининг ўзига хослиги, сайт фойдаланувчиси компьютери дастурий воситалари билан мос келишини таъминлашдир. Бу нарсани бажариш жуда қийин. Шу сабабдан бундай технологияларни қўллашда хушёрлик талаб қилинади.

Ўз навбатида серверда ишловчи технологиялар фойдаланувчига ҳеч қандай чекловлар қўймайди, бинобарин улар барча маълумотларни оддий HTML кўринишида тақдим этади. Энг сезиларли камчилиги шуки, саҳифада бўладиган энг кичик ўзгариш учун ҳам бутун саҳифани қайта юклашга тўғри келишидир. Шу сабабдан сайтларни икки гуруҳ технологияларини биргаликда қўллаган ҳолда яратиш ишлатилмоқда. Бу нарса эса интерфейсни тезкорлиги таъминламоқда.

Динамик саҳифа ишлаш схемасини клиентдан олинган сўровдан бошлаб, якунида экранга чиқадиган натижагача таҳлил қилиб чиқайлик.

Клиент сўрови веб-серверга интернет орқали келиб тушади, сервер сўровни таҳлил қилиб чиқиб, мос келувчи у ёки бу сервер дастурлаш тилларида

ёзилган скрипти танувчи дастурни ишга туширади. Бундай дастурлар серверда клиент сўровига алохида мустақил жараён сифатида ҳам ишга тушиши мумкин ва оддий дастурлигича олади, CGI технологияси худди шундай тамойилда ишлайди, лекин унинг камчилиги мавжуд бўлиб, агар бирданга бир неча фойдаланувчилар томонидан сўров амалга оширилса, сервер юкланиш даражасини орттириб юборади. Шундай қилиб серверда юқорида айтилган дастур ишга тушгач, керакли вақтда фойдаланувчи компьютерида мавжуд бўлмаган маълумотлар базасидан фойдаланиши мумкин. Клиентнинг компьютери сервердан саҳифани олгач, браузер имкониятидан келиб чиқиб намойиш қилади, ундан ташқари клиент скриптлари ишлашни бошлайди, масалан, JavaScript.

Сайтни ишлаб чиқиш жараёни. Сайтни яратиш технологияси танланди ва сайт физик жихатдан қайси серверда туриши ҳам маълум деб ҳисоблайлик. Сайтда намойиш қилиш учун маълумотларга эгасиз, бу маълумотлар сифатли структурталаштирилган ҳам дейлик.

Савол туғилади: барча талабларга мос сайт яратиш учун нима қилиш керак?

Шундай қилиб, биринчи навбатда қиладиган ишимиз бу барча бўлимларни бирлаштирувчи менюлар рўйхатини тузиб чиқиш ва улар орасидаги боғланишларни тўғри ифодалаб олиш.

Тасаввур қилайлик, биз барча саҳифалардаги меню ва улар орасидаги ўтишларни режалаштирдик. Энди ҳеч қандай дизайнга эътибор бермай фақатгина маълумотларни тақдим этишда қулай кўринишдаги саҳифани яратиб олайлик.

Кейинги қадамда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб сайт дизайнининг бир неча хил турларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ичидан энг мос келувчисини танлаб олиш лозим. Дизайн танлангандан кейин асосий ишга - ҳақиқий саҳифаларни ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Танланган технологияга қараб сайтни ички структурасини ишлаб чиқилади.

**Сайтдаги маълумотларни янгилаш воситалари.** Хар қандай сайт унга ташриф буюришлари учун ўзида керакли маълумотларни тақдим этиши лозим. Табиғики, сайдаги маълумотларни яратиш уни яратилишида фойдаланилган технологияга боғлиқ.

Янгилаш муаммосини хал қилишдаги энг асосий ечимлар схемасини кўриб чиқайлик.

1-Схема. Сайт тўлиқлигича статик ва сайт янгиланиши янги файлларни қўшиш ёки ўчириш билан амалга оширилади. Бу усул хар сафар янги саҳифа қўшилганда унга бошидан дизайн бериб чиқиш, менюлар ишлашни қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги билан анча ноқулайдир.

2-Схема. Сайт CSS ёки шу каби технологияни қўлланиши орқали яратилган. Бу технологиянинг ишлаш тамойили шундан иборатки, саҳифадаги барча такрорланувчи қисмлар ажратиб чиқилади ва алоҳида файлларга бўлиб чиқилади, кейин эса ушбу қисмлар керакли жойларга жойлаштирилиб чиқилади. Бу схема қулай, лекин барибир янгилаш етарлича мураккаб бўлган ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Ахборот технологиялари бугунги кунда инсонлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинувида муҳим рол ўйнайди, ундан ташқари массали маълумотларни тайёрлаш ва узатиш тизимларида муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар бизнинг маданиятимиз билан мослашиб кетади ва фақатгина қулайликлар яратиб қолмай, кўплаб ишлаб чиқариш, ижтимоий, глобализация натижасида вужудга келувчи кундалик ва жаҳон ҳамжамияти интеграциясида, ички ва ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайишида вужудга келувчи барча муаммоларни ечимида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## **2.2. Хўжалик молларини электрон савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратишининг дастури воситаси**

Web-сайтни дастурий воситаси. Динамик Web-сайтларнинг ҳар бир саҳифаси шаблонлар асосида бўлиб, улар доимо ахборотлар базасидаги ахборотлар билан янгиланиб борилади. Фойдаланувчи ўзига керакли web-саҳифани чақирганда бу маълумотлар базадан олинади, шаблонга қўйилиб янги Web-саҳифа ҳосил қилинади, керакли кўринишда бўлиши учун бу саҳифа фойдаланувчи браузерига Web-сервер орқали юборилади. Динамик Web-сайтларда фақат маълумотларни янгилаш билан чекланмай янги элементлар қўшиш ҳам мумкин. Динамик Web-сайт тузилиб ишга туширилганидан сўнг унинг ютуқлари яққол кўзга ташланади.

Динамик Web-сайтни яратиш учун биринчи бўлиб бизга Web-сервер керак, масалан Apache. Web-сервер кўп соҳаларда ишлатилиши мумкин, масалан электрон магазинга, ахборот серверига, кидирув системасига, масофадан ўқитиш тизимига хизмат кўрсатиши мумкин. Серверни танлаш интернетда нима билан шуғулланмокчи эканлигимиздан келиб чиқади.

Ушбу сайтни яратишда PHP алгоритмик тилдан фойдаланилган. PHP дастурлаш тили танланганлигига сабаб, бу дастурлаш тили дастурловчи учун жуда қулай ҳамда бу тил айнан Интернет учун яратилган. PHP нинг асосий рақиблари – Perl , ASP , ColdFusion ва Java.

PHP ва Perl. Perl тили дастурчи Ларри Уолл (Larry Wall) томонидан тузилган ва Practical Extraction and Report Language нинг қисқартмасидир. “Амалий маълумотларни чиқариш ва ҳисоботлар тайёрлаш тили” деб таржима қилиш мумкин. Perl изохловчи тил ва вебга нисбатан бир қанча эскирган. Интернет тили Perl чиққач динамик веб сайтлар яратиш учун бир қанча қулай инструментлар яратилди. Оммалашган Perl тили барча web серверларда ишлайди. UNIX да бошқариладиган тизимларда ҳам ишлай олади.

Perl тили синтактик томондан содда ва анча кам, PHP эса функционал томондан юқори, шунинг учун PHP ундан устун таради. Perl тили ҳар хил

турдаги иловаларни яратиш учун ташкил этилган синтаксиси хақида гапириб бўлмайди PHP синтаксиси унга нисбатан анча соддароқ шунинг учун кўпроқ PHP ўрганилади.

PHP ва Java. Умуман айтганда, Java ва Java технологияси бир бирдан фарк килади. Java тили C тилининг тўлиқроқ шакли, қайси “кенгайтирилган C++” каби ишланган. Java технологияси ўзига клиент ва сервер қисмларини бириктиради, ва яна маълумотлар базаси билан боғланиш имконини беради, шунинг учун Java технологиясини Apache/PHP/MySQL боғланмасига тенглаштирилади. Java технологияси платформалараро технология кўринишида ишлаб чиқилган, фойдаланувчилар корпоратив масштабдаги Web сайтларни яратиши мумкин. Бу технологиянинг асосий устунлиги платформалараро кўчиши ва объектга мўлжалланган дастурлаш тили, қайсики қийин ва катта иловаларни яратиш учун. Камчиликлари секин бажарилиши ва хотирани катта талаб қилиши ва Web иловаларни ишлаб чиқариш қийинчилиги PHP га тенглаштирилади. PHP мослашувчанлик ва масштабланиш бўйича деярли Java дан қолишмайди. Бир қанча оддий иловаларда ўзини етарли оқлаган лекин жиддий иловаларда четлаб ўтади.

PHP ва ASP.NET. ASP (Active Server Pages) – Microsoft томонидан сценарийлар тилидир. ASP PHP дан туради чунки сценарий бажарилиш пайтида ASP.NET технологияси ситуацияси ўзгариши пайдо бўлади.

ASP.NET нинг асосий устунлиги Web-иловаларни яратишда Windows интерфейси барча қулайликларни яратади. Бу саҳифани қийин интерфайсини ишлаб чиқишда катта қулайликлар яратади. ASP.NET Microsoft компаниясини янги NET технологияси билан чамбарчас бирга яратилган. ASP.NET орқали Web-иловаларни яратишни асосий ажратлиб турадиган жихати ихтиёрий NET мухитидаги дастурлаш тили билан ишлаш мумкинлиги. Бу балки модификацияланган Visual Basic — Visual Basic.NET, янги тил C# ёки клон Java — J#. Бундан ташқари бир қанча дастурлаш тилларини ҳам ишлатиш имконияти мавжуд. Бу турли хил тил биладиган дастурчиларни бутун проект

устида бир рамкани ичига жойлаштиради. Web-иловаларни коди MSIL (Microsoft Intermediate Language) баъзан IL деб номланувчи тилда компляция қилинади. Аппаратга боғлиқ бўлмаган кодни IL ишлаб чиқарувчилар томонидан кучайтирилган Web-сервер кешига Java байт-коди аналоги бўйича жойлаштиради. Лекин Java эркин платформа учун, NET ишлаб чиқариш тилига эркинлигини таъминлайди. Web-иловаларни бажарилиши ASP.NET серверида, ишловчилар Windows да бўлмаслиги Амалий жихатдан мумкин. Web-иловалар интенсев тарзда NET компонентларидан фойдаланади. Динамик Web-иловаларни кўриш фақат Windows да Internet Explorer браузер орқали амалга оширилади. PHP да бошқачароқ лекин ишлаётган пайида кўпроқ хатолар аниқланади. Шу томони билан ASP.NET камчилиги бор. Бу хатоларни амалий жихатда тўғрилаш мумкин лекин бу учун етарли даражада квалификация зарур бўлади. Ишлаб чиқарувчиларга ишончли хат ёзиб кейинги бўладиган хатони олдини олиш мумкин.

PHP ва ASP.NET ни яна бир масала устида солиштирсак, агар катта корпорация кўпгина серверлар ва клиент машиналар томонидан ИНТРАНЕТ ташкил қилинган бўлса ва бу тизим Windows да бошқарилса ASP.NET яна бир бор ўз устунлигини намоён қилади.

PHP ни яна бир устунлиги бошловчилар учун қулай ва Интернетга жойлаштириш осон кечади. Шунинг учун хозирги кунда PHP кенг қўлланилмоқда.

PHP ва ColdFusion. ColdFusion пакети Allaire фирмаси томонидан тузилган. Интерактив ва динамик веб саҳифаларни тайёрлаш учун, веб хужжатларни қайта ишлаш ва маълумотлар базасидан маълумот олиш учун яхши. Минус томонлари ColdFusion ташиб юриш қийинчилиги PHP ни олсак деярли барча платформада ишлай олади. ColdFusion эса фақат 4 та: Win32, Solaris, HP/UX ва Linux. ColdFusion жуда кам тарқалган ва PHP га нисбатан катта ресерс талаб қилади.

Ушбу келтирилган мулохазалардан келиб чикиб битирув малакавий иши сайти PHP да қилинди.

PHP тили 1994 йилларда оддий фойдаланувчи Расмусом Лердорфом томонидан тузилган. Бу тилдан фойдаланиш жуда хам осон ва оддий бўлган. Шу билан бир қаторда Расмус яратган тилига базавий синтаксислар қўшган биринчи бор ўзини яратган тилини Personal Home Page Tools яъни PHP деб номлаган. Кейинчалик 1995 йилда Расмус ўзини яратган тилини бошқачароқ ишлайдиган қилиб чиқди яъни HTML формада хам ишлайдиган қилиб чиқди ва ўз ўрнида PHP/FI Version 2 деб номлаб уни веб серверларда ўрнатди. Бу вақтда PHP дан фойдаланиш жуда хам тез амалга ошарди. 1995 йилга келиб эса PHP тилига яна қўшимча компоненталар ишлаб чиқишди булар сервер маълумотлар базаси билан ишлайдиган, автоматический gif файл яратадиган ва бошқалар эди. Бу эса унинг обрўсини ошириб юборди. 1997 йилнинг охирига келиб эса PHP тилида яратилган 50 мингдан ортиқ сайтлар вужудга келди. Веб мастерлар ва бошқа мутахасислар бу тилни муносиб баҳолашди ва уни янада мукамалштириш учун илмий изланишлар олиб боришди. Бу изланишлар охир оқибат ўз мевасини берди ва бориб Зива Сураски ва Энди Гутманса php3 тилини ишлаб чиқдилар. php3 тили амалий жиҳатдан нолдан бошланиб тузилган ва унинг автори фойдаланган кўпгина эффектлардан фойдаланилмаган. Шу билан бир қаторда php3 тилидан фойдаланиш жуда хам осонлашган эди ва хар қандай фойдаланувчи бунинг ёрдамида ўзининг саётини тузиши мумкин эди. келиб аллақачон php тилидан фойдаланиб тузилган сайтлар миқдори миллиондан ошиб кетди. Бу тилнинг яна бир ютуқ тарафи у хар қандай операцион тизимида Windows, Unix, Linux тизимларида хам бирдай фойдаланиш имконини берар эди. Кейинчалик Zend Technologies фирмаси янги қўшимча функциялари билан PHP нинг кейинги версиясини ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтга келиб бутун дунёдаги глобал тармоқда фойдаланиладиган сайтларнинг кўп қисми PHP тилида тузилган сайтлар ҳисобланади. PHP (Personal Home Page Tools) тили очик фойдаланувчи код бўлиб худди HTML

кодиға ўхшаб Web серверларда ишлатилади. Бу тил Web тахрирловчи томонидан Web тахрирловчилар учун тузилган тил хисобланади. PHP тили худди ASP (Microsoft Active Pages), Macromedia ColdFusion va Sun Java Server Pages лар қатроорида туради. Бир қанча мутахассислар PHP тилини қуйидагича ҳам номлашади яъни "очиқ кодли ASP" ёки "ASP очиқ фойдаланувчили код" деб ҳам юритилади.

PHP HTML коднинг ичида ёзилиши ҳам мумкиндир. Яни худди HTML командлари ва орасида қандайдир бошқа кодлар учраши мумкиндир, мана бу каби:

```
<html>  
<title> <? print "Elektron tijorat olami"; ?></title>  
</html>
```

Шу саҳифани index.php деб сақлаб Интернет броузер орқали очсангиз саҳифа боши "Elektron tijorat olami" бўлади. Лекин PHP саҳифаларнинг кўрсатиши учун сизда Apache Server PHP модули билан ёки IIS PHP модули билан бирга бўлиши керак. Apache Linux ёки Unix да энг яхши ва тез ишлайди, лекин Windows XP ёки NT ишлатмоқчи бўлсангиз, уларга ҳам қўйиб текширишингиз мумкин. Apache серверни сиз <http://www.apache.org> саҳифасидан олишингиз мумкин.

PHP технологиясидан фойдаланганлигим сабаби PHPда ҳавсизлиги юқори ва дастур тузиш бирмунча енгил. PHPни серверга ўрнатиш қулай чунки PHP код машина кодиға яқин .

### **2.3. Хўжалик молларини электрон савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратиш алгоритми**

Сайт тузилиши – ташриф буюрувчиларга зарур маълумотларни тез излаб топишлари учун маълумотларни тизимлаштиришдир. Пухта ўйлаб лойихаланган сайт архитектураси фойдаланувчилар қизиқтирган маълумотларни топишга кам вақт сарфлашларига кафолат беради. Сайт архитектурасини ишлаб чиқишда интернет бозорида махсулотлар ва хизматлар айланиши нуқтаи назарда муҳим бўлган маълумотларни ҳисобга олиш зарур. Янги сайт структурасини лойихалаш жараёнида ёки мавжуд ресурсларнинг структурасини мукамаллаштириш айнан бир маълумотга диққатни тортиш ва шу орқали потенциал мижозларни сайтнинг муҳим бўлимларига мурожаатлари билан сайтга ташриф буюришлик даражасини ошириш мумкин.

Бу “Хўжалик моллари махсулотлари” электрон web саҳифани архитектурасида ишлаб чиқилишда қуйидаги функциялар амалга ошириш кўзда тутилган:

- On-line дўконда сотиладиган товарлар маълумотлар базаси
- On-line каталоглар, товар категориясига қараб бўлинган
- савдо аравачаси, сотиб олиш мақсадида фойдаланувчи учун товарларни жойлаштириш
- охириги ҳисоб-китоб, тўлов ва товарни етказиб бериш бўйича охириги ишлар
- администраторлар интерфайси

Биз тузаётган дўкон тизими қуйидагиларга жавоб бериши керак.

- Фойдаланувчи браузерига маълумотлар базасининг боғланиши.

Категорияларга бўлинган, каталогларда товарларнинг жойлашувини фойдаланувчи кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши керак.


- Фойдаланувчи каталогдан товар йўналишини танлаб, кейинги танлаш

имкониятига эга бўлиши керак. Фойдаланувчи танлаган ҳолатни кўздан кечириш механизmidан фойдаланиши керак.

– Харид тугатилганда умумий буюртма ҳисобланиши керак ва етказиб бериш ҳақида таклиф, тўлов шарти қайта ишланиши керак.

– “Хўжалик моллари маҳсулотлари” электрон web саҳифани администратор интерфейси қурилади. Администратор сайтда телефон ва категорияларни қўшиш ва ахборотларни таҳрир қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Қуйидаги (2.1. Расмда) веб-сайтнинг тузилиш алгоритми келтирилган:



2.1. Расм.

Хўжалик молларининг электрон web саҳифаси ишлаш алгоритми.

Web - сайтнинг дастурий воситаси қисмида сайтнинг операцион ва сервер қисмларининг ўзаро алоқалари ва алоқалари масаласи кўрилади. Яъни операцион қисмда интернет дўкони яратиш технологиялари дастурлаш тили ва МБ масалалари ҳал қилинади. Бу мавзуда бобнинг кейинги бўлимида тўлиқроқ тўхталамиз. Сервер қисмида эса интернет дўкони яратиш технологиясини қўллаб-қувватлайдиган провайдер орқали интернетда жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Администратор бўлимида интернет дўкон элементларини бошқариш масаласи электрон web саҳифа умумий созлаш ишлари амалга оширилади. Администратор бўлимига бевосита тармоқдан туриб, логин ва парол билан муружат қилиш мумкин. Бу саҳифада қуйдагича имкониятлар амалга оширилиши мумкин:

- каталогларга ва қисм каталогларига ўзгартириш киритиш;
- маҳсулот ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, янгилик киритиш;
- администратор логин ёки паролни ўзгартириш;
- сайт янгиликларини ўзгартириш;
- буюртма маълумотларини олиш;
- фойдаланувчилар қолдирган фикр-мулоҳазалар билан танишиш.

Ушбу бўлимларда ўзгартириш бажарилганда МБдаги мос жадваллар маълумотларига ўзгартириш киритилади.

Сайтнинг мижоз қисми максимал қулайликка эга бўлиши ва потенциал мижозлар билан индивидуал ишлашни ташкил этиши лозим. Саҳифалар тушунарли мулоқотли ойналардан, қулай тўлов усули ва маҳсулотни етказиб бериш имконияти билан таъминланиши керак. Ташриф буюрувчиларнинг фикрини ёки уларда пайдо бўлган саволларга жавоб бериш учун тескари алоқа ўрнатиш ҳам муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Интернетда мавжуд электрон web сайт ишлашини тахлил қилиб, уяли алоқа воситалари лойихалаштиришда, албатта, қуйидагиларни билиши назарда тутилади:

1. Web-витрина. электрон web сайт махсулотлари растаси деса ҳам бўлади. Махсулотлар каталогларга жойлаштирилиши керак, фойдаланувчи тез излаб топиши учун.

2. ҳар бир махсулотнинг қисқача ва тўлиқ тавсифи келтирилиши керак.

3. кўримли билиш учун маркетинг тадқиқотларига асосан гуруҳларга ажратилган ва товарлардан ташкил топган махсус бўлимларни қўйиш зарур. Масалан “янги махсулотлар” (савдога яқинда чиқарилган махсулотлар)

4. электрон web сайт ахборот бўлимларининг бўлиши:

- электрон web сайт хақида (унинг фаолият доираси, адреси, контакт телефони ва х.к)

- мол нархлари хақида маълумотлар

- чегирмалар хақида маълумотлар

- web сайт янгиликлари

- бошқа фойдали маълумотлар

5. электрон web сайт харидорга кўринмайдиган бэк-офис қисми, яъни бошқарув қисми. Бу қисмга администратор ўз логин ва пароли билан мурожаат қилиб, электрон web сайт таркибини бошқариши, ўзгартириши мумкин.

Харидорлар махсулотлар билан танишиб бўлгач уларни сотиб олиш учун ўз саватига солишлари керак. Бунинг учун улар олдин саватга эга бўлиш учун қайд қилинишлари зарур. Саватни очиб кўриш учун ўз логин ва паролларини киритишлари керак бўлади. Махсулотни ўз саватига солиш дегани уни энди сотиб олишга мажбур деган эмас. Агар харидор фикридан қайтиб бу махсулотга эҳтиёжи йўқлигини сезса, уни ўз саватидан ўчириб ташлаши ҳам мумкин. Сотиб олишга буюртма берилгач буюртма маълумотларини тасдиқлаш саҳифаси харидорга тақдим этилади. Харидор тасдиқлаганидан кейин буюртма хақидаги маълумотлар маълумотлар базасига ёзилиб қолинади ва

администратор буюртмаларни кўздан кечириб харидорлар билан боғланади. Келишилган ҳолда ва вақтда харидор айтган манзилга махсулот курер томонидан етказиб берилади ва шу моментда харидор томонидан нақд пул тўлаш орқали тўлов амалга оширилади.

#### **2.4. Хўжалик моллари савдосини мультимедиали динамик web – сайтини яратиш**

Сайт учун жой танлаш ҳар доим ута масулиятли ишдир. Чунки сайтни қай тарзда ва қаерда жойлаштирилганлигига кўп нарса боғлиқ. Масалан мижозларнинг кириши, уларда қизиқишнинг туғилиши ва ниҳоят фойда.

Бепул хостинг хизматларида кафолатларга ҳеч қандай ортикча гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу хостинг хизматлари бепул. Масалан узок вақт давомида сайтга кира олмаслик еки сайт егасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган рекламаларнинг жойлаштирилиши. Бепул хостинг серверлари доимий хизмат кўрсатиш кафолатини бермайди. Буни шартнома ўзгаришида кўришимиз мумкин. Мисол учун мижоз сайтида мажбурий рекламаларни жойлаштириш ёки кейинчалик тижорат асосидаги пули хизматларга ўтиш .

Бундан ташқари кўпчилик бепул хостинг серверлар жуда чегараланган сервисларни тақдим этади. Уларда Интернет дастурларнинг функционалиги учун керак бўлган скриптларни ва малумотлар базасини ишлатиб булмайди. Бундай имкониятлар асосан пулли хостинг провайдерларда яратиб берилади.

Катта мижозлар учун тақдим этилаётган хизматларнинг нархи ва улар ўз ичига олган сервисларнинг кўплигидан ташқари сервернинг ишлаши бенухсон бўлиши ва хавфсизликнинг юқори даражада куйилганлиги катта аҳамиятга эга. Кўпчилик фойдаланувчилар учун хизматлар нархи биринчи ўринда туради. Хостинг компанияларнинг асосий мижозларини бепул хостинг серверларида ўз сайтларига эга бўлган жисмоний шахслар ташкил этади .

Иккинчи мижозларни қизиқтирадиган масала бу сервер томонидан ажратиладиган хотира ҳажмидир. Текширувлар натижасида малум бўладики, сайтнинг ўзига камида йигирма, ўттиз Мега байт ва почта хизмати учун яна ун

Мега байт керак бўлади. Лекин катта Web – сайтли дастурлар учун юз ва ундан ортик Мега байт керак бўлиши мумкин. Шунинг учун асосий мижозларнинг талабларини кондирувчи хотира хажми ўттиз – эллик Мега байтдан бошланади.

Хизматлар нархи ва хизмат кўрсатаётган сервернинг хотира имкониятларидан сўнг мижозларни кўшимча сервислар қизиқтиради Масалан электрон почта манзили, малумотлар базаси ва скриптлар билан ишлаш имкониятлари. Хамма провайдерларда электрон почта манзилидан фойдаланиш имкониятлари бўлганлиги сабабли, мижоз учун бу катта аҳамиятга эга эмас. Бошқа гап малумотлар базаси ва скриптлар.

Юкорида айтиб ўтилган мулохазалардан келиб чикиб, хостинг хизматларни кўрсатаётган компанияларни танлашда учта асосий кўрсаткичларига аҳамият беришимиз керак. Булар нархи, хотира хажми ва скриптлар билан ишлаш имкониятларидир.

Web – сайтнинг администратор ( бошқарувчи ) қисмини яратиш .

Web – сайтнинг администратор қисми Web – сайт саҳифаларини бошқаришни, янги саҳифалар кўшишни ва махсус созлашларни ўз ичига олади.

Web – сайтда мижозлар билан ишлаш тартибини кўриб чиқамиз. Web – сайт архетектураси мижозлар учун жуда кулай ва малумотлар алмашувининг тезкорлигини тامينлаш учун содда тузилган.

Farhod Rahmonov Diplom ishi - Opera

Файл Правка Вид Закладки Виджеты Инструменты Справка

Создать вкладку Farhod Rahmonov Diplo...

http://localhost/Diplom/PHP/Bosh sahifa.php

Google



TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI (30 - May 2011 yil)

Bosh sahifa | Yangiliklar | E'lonlar | Mahsulotlar | Ro'yxatdan o'tish | Buyurtma berish | Elektron to'lovlar | Sayt haqida

**Bosh sahifa**

**Yangiliklar**

**E'lonlar**

**Mahsulotlar**

**Ro'yxatdan o'tish**

**Buyurtma berish**

**Elektron to'lovlar**

**Sayt haqida**

Elektron to'lovlar

**Foydali sahifalar**

O'zbekiston Respublikasi davlat hokimiyati nafaqat

# ELEKTRON TIJORAT KAFEDRASI

Заголовок: Щелкните для активации использования этого элемента управления

**Kompyuterlarning texnik ta'minoti**

1. Kompyuter haqida umumiy ma'lumot
2. Kompyuterlarni sinflash
3. Kompyuterlarning ishlash prinsipi va tashkil etuvchilari
4. Shaxsiy kompyuterlarning tuzilishi
5. kompyuterlarning qurilmalari

Kompyuter - inglizcha so'z bo'lib, u hisoblovchi demakdir. Garchand u hozirda faqat hisoblovchi bo'lmasdan, matnlar, tovush, video va boshqa ma'lumotlar ustida ham amallar bajaradi. Shunga qaramasdan hozirda uning eski nomi - kompyuter saqlangan. Uning asosiy vazifasi turli ma'lumotlarni qayta ishlashdan iborat. Avvalo shuni aytish lozimki, ko'pchilikning tushunchasida go'yoki biz kundalikda foydalanadigan faqat shaxsiy kompyuter bor xolos. Bunga albatta sabablar ko'p. Shulardan biri hozirgi zamon shaxsiy kompyuterlari ilgari universal deb hisoblangan kompyuterlardan tezligi va xotira hajmi jihatidan ancha oshib ketganligida bo'lsa, ikkinchi tomondan ko'p masalalarni yechish uchun bu kompyuterlar foydalanuvchilarni qanoatlanirishidir. Hozirda kompyuter termini ko'p uchrashada.

Qidiruv

**e - MAIL**

Logini:

Parol:

Sana va Vaqt



KURS VALUTA

пуск

Farhod Rahmonov

Ражонов Фарход Н...

Ражонов Фарход Н...

Farhod Rahmonov Di...

EN

непо

9:58



## II. bobga xulosa

Ushbu ikkinchi bobda internetdagi elektron web saytning ishlash printsiplari, yratilish texnologiyalari ʻrganihib, shu asosda xʻjalik mollari maʻsulotlari internet elektron web saytning ishlash tamoyili, Internet elektron web saytning tarmondagi amalga oshirishda qaysi web-texnologiyalarga asoslaniş maqsadga muvofiqligi va ularning afzalligi haqida muhoqama qilinadi. Shu kabi muhoqazalardan kelib chiqib, xʻjalik vositalari elektron web saytning algaritimini yaratishda mijozlarga maksimal qulaylik va zarur maʻlumotlarni tez izlab topishlari uchun sharoit yaratishga harakat qilinadi. Har ikkala tomon, yaʻni xaridor va administrator ʻz imkoniyati doirasida maʻlum operatsiyalarni amalga oshiradigan bʻlsa, maʻlumotlarni saqlash uchun yaratilgan jadvallarga mos ravishda ʻzgartirish kiritiladi. Unga murojaat bʻlganda SQL server murojaatlarni qayta ishlab

натижани браузерга узатади. Маълумотлар базаси интернет тармоғида қулай ва тез ишлаш қобилиятига эга бўлган MySQL МББТ да ташкил этилди. Администратор ва мижозларнинг шахсий маълумотларига мурожаат уларнинг логин ва пароллари билан амалга оширилади. Электрон web сайтини web - серверга жойлаштирганда махсус web-сервер дастурларидан Internet Information Server дан фойдаланилди. Бу web-сервернинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, у операцион тизими асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уни ўрнатиш, сошлаш ва фойдаланишди бошқа веб-сервер дастурий таъминотларига қараганда, анча осон кечади. Бу веб-сервер билан ишлашда эса PHP технологияси қўлланилиб, унда дастур тузишни ўрганиш ва амалга ошириш ҳамма учун бирдай енгил ҳисобланади.

### **3-БОБ. ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИ МУЛЬТИМЕДИАЛИ ДИНАМИК WEB – САЙТИНИ ИНТЕРНЕТГА ЖОЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ**

#### **3.1. Хўжалик моллари электрон савдосини мультимедиали динамик web сайтнинг маълумотлар базаси**

Электрон web сайт яратишда маълумотлар базасига мурожат қиладиган бўлсак MySQL – катта бўлмаган, ихчам кўп оқимли маълумотлар базаси сервери. MySQL юқори тезлиги, бардошлилиги ва қўллашда осоллиги билан тавсифланади.

MySQL ТсХ компанияси томонида ички эҳтиёжлар учун ишлаб чиқилган, бу эҳтиёж катта маълумотлар базаларига тез ишлов беришда эди. Компания шуни такидлайдики, MySQL ни 1996 йилдан бошлаб 40та МБ, 10,000та жадваллар, улардан 500 дан ортиғи 7 миллион сатрларга эга серверда қўллашади.

MySQL кичик ва ўрта иловалар учун идеал ечим деб ҳисобланади. Бошланғич матнлар кўплаб платформаларда компиляция қилинадилар. Сервер имкониятларини тўлароқ Unix-серверларида намоён бўлади, уларда кўп оқимлилик қўллаб-қувватланади, бу ишлаб чиқаришни сезиларли равишда оширишга имкон беради. Windows учун бўлган намунада MySQL Windows NT сервери сифатида ишга туширилиши мумкин, ёки Windows 95\98 даги оддий жараён сифатида.

Хозирги пайтда MySQL ишлаб чиқариш босқичида, лекин 3.22 версиялари бутунлай ишлаш учун тайёр.

MySQL – сервер нотижорат фойдаланиш учун текин. Акс холда лицензияга эга бўлиш зарур, унинг нархи 190 EUR.

**MySQL имкониятлари.**

MySQL ANSI 92 стандартидаги SQL сўровлар тилини кўллаб-куватлайди, бундан ташқари, бошқа МББТ ларда бўлмаган, бу стандарт учун кўплаб кенгайтмаларга эга.

MySQL имкониятларини қисқача келтирамиз:

- Маълумотлар базаси билан ишлайдиган, сони чекланмаган, фойдаланувчиларни кўллаб-куватлайди.
- Жадваллардаги сатрлар 50 млн. Га етиши мумкин.
- Буйруқларни тез бажарилиши. Балки MySQL мавжуд серверлардан энг тезкоридир.
- Хавфсизликни оддий ва эффектив тизими.

#### **Умумий маълумотлар.**

MySQL ни дастурий воситаси жуда тезкор кўп оқимли, кўп фойдаланувчили, ишончли маълумотлар базаси SQL – серверидир (SQL – структураланган сўровлар тили). Сервер MySQL ҳам ишлаб чиқариш тизимлари масалалари бўйича критик, ҳам оммавий тарқатиш дастурий воситаси учун мўлжалланган.

MySQL – бу MySQL AB нинг тижорат маркасидир.

MySQL нинг дастурий воситаси иккиламчи лицензияга эга. Бу шуни билдирадики, фойдаланувчилар танлашлари мумкин ёки MySQL General Public License (GPL) оммабоп лицензияси бўйича ишлатиш, ёки MySQL AB нинг стандарт лицензияларидан бирини хариж қилиш. (<http://www.gnu.org/licenses/>).

Энг янги маълумотга эга бўлиш учун MySQL веб сайтига мурожат қилин (<http://mysql.com/>).

#### **MySQL нимани ифодалайди.**

MySQL ни ишлаб чиқиш ва кузатиб боришни, энг машхур очик кодли SQL маълумотлар базаси, MySQL AB компанияси амалга оширади. MySQL AB-тижорат компанияси, MySQL ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган, ўз бизнесини турли MySQL МББТ лари учун турли хизматларни курсатади.

MySQL веб сайтыда (<http://mysql.com/>) MySQL ДТ ва MySQL АВ компанияси тўғрисида энг янги маълумотлар келтирилган. MySQL – маълумотлар базаси билан бошқариладиган тизим. Маълумотлар базаси структураланган маълумотлар йиғиндисини ташкил этади. Бу маълумотлар ихтиётий бўлиши мумкин. Маълумотларни йиғиш, ёзиш ва қайти шлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизими зарур, MySQL ДТ шундай тизим. Компьютер катта хажмдаги маълумотларни жуда яхши қайта ишлайди, шунинг учун маълумотларни бошқаришда хисоб китобнинг ўрни катта. Бундай бошқаришни турли кўринишда амалга ошириш мумкин, ёки алоҳида утилиталардан, ёки бошқа иловаларга бириктирилган кўринишда. MySQL– бу реляцион маълумотлар базалари билан бошқариш тизими.

Реляцион маълумотлар базасида маълумотлар бир жойда эмас алоҳида жадвалларда сақланади, бу тезликни ва эгилувчанликни таъминлайди. Жадваллар бир бири билан боғлиқ шунинг учун бир неча жадваллардан ташкил топган сўровлардан фойдаланиш мумин. SQL MySQL тизимини бир қисми сифатида таърифлаш мумкин, у структураланган сўровлар тили, энг тарқалган стандарт тил сифатида таърифлаш мумкин.

MySQL дастурий воситаси – бу очик кодли ДТ.

Очик кодли ДТ ни ихтиёрий шахс узгартиришлар киритиши мумкин. Бундай дастурий воситаси интернет тармоғи орқали олиш мумкин ва текин ишлатиш мумкин. MySQL дастурий таъмиотини қўллаш шартлари лицензияда кўрсатилган. GPL лицензияси бўйича ишлашни хохламасангиз тижорат лицензияланган версиясини MySQL АВ компаниясидан сотиб олишингиз мумкин.

Қандай холларда MySQL МББТ ни танлаш зарур?

MySQL жуда тезкор, ишончли ва қўллашда қулайдир. Агар сизга бу томонлари ёқса сиз бу серверни қўллашингиз мумкин. MySQL қатор авзвликларга эга. MySQL биринчи бўлиб катта маълумотлар базасини бошқариш учун ишлатиш учун ишлаб чиқилган. Бир неча йилар давомида бу

сервер самарали ишлаб келмоқда. MySQL кундан кунга янгиланиб боришига карамай хозирги кунда хам кенг фугцияларни бажаради. Ўзининг қўллашда осонлиги, тезлиги ва хавфсизлиги туфайли интернет тармоғида кенг қўллаб келинмоқда.

MySQL МББТ ининг техник имкониятлар.

MySQL ДТ мижоз-сервер тизимидир, у кўп оқимли SQL-серверни ўз таркибига олган, у турли хисоблаш машиналари маълумотлар базаларини қўллаб қувватлайди, хамда турли мижозлар дастурлари ва кутубхоаларини, администратор воситалари ва дастурий итерфейсларнинг кенг спектри (API).

### **3.2. Хўжалик молларига динамик web сайтда буюртма ва электрон тўловни амалга ошириш**

Исталган тижорат шартномаларининг охириги босқичи давлатда юритилаётган тўлов тизимларидан бири асосида ҳисоб - китоб қилиш билан яқунланади. Шу қаторда, парфюмерия махсулотлари савдоси билан шуғулланувчи электрон дўконни ташкил этишда энг мухим вазифалардан бири - бу ташкил этиладиган дўконни интернетдаги фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, бирорта электрон тўлов тизимига уланиш талаб этилади.

Электрон тижоратнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши истеъмолчига глобал тармоқда сотиб олиш учун товарлар ва хизматлар тўловининг оддий, қулай ва ишончли амалга оширадиган замонавий электрон тўлов тизимини ташкил қилиш ва мукаммаллаштиришга ундайди. Тўловни он-лайнда амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилди. Аммо универсал стардарти ишлаб чиқилмаган эди. Он-лайн тарз тўловни амалга ошириш стандарти қуйидаги шартлардан иборатдир:

- барча учун фойдаланиш қулайлигига эга бўлиши (хардорлар, сотувчилар ва учинчи томон банк ёки молиявий ташкилотлар учун);
- барча учун ўрнатиш ва қўллаш мумкинлиги;

- глобал кўринишда ишлаши;
- барча учун юқори хавфсизликни таъминланиши;

Абстракт қийматни белгилаш учун пул яратилиши билан биргаликда турли хил тўлов тизимлари ҳам яратилди. Лекин абстракат қийматни белгилаш усуллари кенгайиб борди ва иқтисодиётнинг ўсишида, бу тўлов тизимлари соҳаси учун янги элементлар қўшила борди. Бартер тизимидан бошлаб, кейинчалик банкнот, чеклоа орқали тўлов, кредит карточкалар орқали тўловлар амалга оширилади ва ҳозиги кунда янги электрон тўловлар тизими ишлаб чиқилди.

Электрон тижоратнинг жадал ривожланиши электрон тўлов тизимларини ривожлантиришга ва янги тизимларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Тўлов тизимлари электрон тижорат инфраструктурасидаги асосий элементлардан бири ҳисобланади. Кўпгина ўтказилган амалиётлар шуни кўрсатадики, тўлов тизимларини электрон тижоратда қўллаш самарали, ишончли, перспектив натижаларни беради.

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси озиқ овқат маҳсулотларидан маиший ва компьютер технологияларигача бўлган товарларни харид қилиш, мобил алоқа, Интернет телефония ва коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек, кино, театрларга чипталарни уй ёки офислардан чиқмаган ҳолда харид қилиш имкониятига эга бўлади. Эндиликда қимматли вақт ва асабларни сарфлаб дўкондан дўконга бориб, у ёки бу товарни қидириш ҳожати қолмайди. Ушбу масалаларни яқин келажакда ишга тушувчи ва бир кунда 24 соат, ҳафтасига 7 кун узлуксиз хизмат қилувчи “eKarmon” электрон тўловлар тизими ҳал этади.

Ахборот-коммуникация, мобил ва интернет-технологиялари соҳасида дастурий ечимлар ишлаб чиқарувчи «Multisoft Solutions» маҳаллий компанияси 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли

«Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «eKarmon» электрон туловлар тизимини ишлаб чиқди. Айти вақтда мазкур тизим интернет-дуқонлар ердаида электрон тўловларни ўтказиш бўйича «бошланғич лойиха» сифатида тақдим этилмоқда. «eKarmon» тизими Интернет тармоғи орқали аҳолига товарларни харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар, халқаро ва шаҳар телефонияси, ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Ушбу тизим миллий валюта «Сўм»га боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Учинчи шахсларнинг тизимга ижозатсиз киришидан ишончлилиги ва ҳимоясининг гарови, Электрон рақамли имзоларининг (ЭРИ) қўлланилиши саналади. ЭРИ 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ҳужжатдаги ЭРИ айти бир вақтнинг узида қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир ҳил аҳамиятга эга. ЭРИдан «eKarmon» тизимига киришда, ҳамда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишда фойдаланилади. Бунинг учун тизим фойдаланувчиларига «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Руйхатга олувчи маркази (РОМ) томонидан ЭРИ калитининг сертификати берилади. Эслатиб ўтиш жойизки, яқинда компания РОМи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат руйхатидан ўтди.

ЭРИни қўлланилиши, анъанавий «парол ва логин»лардан фойдаланиш методларга нисбатан, назария ва амалиетда устун деб исботланган. «eKarmon» тизимида қўлланилувчи ЭРИнинг сирли калитининг узунлиги 2048 битни ташкил қилади; демак, бугунги кунда ЭРИ калитларининг хар қандай компрометақияси олди олинади.

«eKarmon» тизимининг аъзоси бўлиш учун, ушбу тизимнинг [www.ekarmon.uz](http://www.ekarmon.uz) Интернет сайтида руйхатдан ўтиб, «eKarmon» Агентлари

шаҳобчаларда идентификация утиш ва тизим томонидан берилган ўз электрон ҳисобини тўлдириш лозим.

Тизимда электрон рақамли имзоларни тўлдириш қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1. Тизим агентлари кассаларига нақт пул маблағларини киритиш йўли билан (фақат жисмоний шахслар учун). Фойдаланувчининг исм-шарифи, электрон ҳисоб рақами текширувдан ўтказилагандан сўнг, киритилган сўмма ҳақида чек топширилади;
2. Ўзининг банк ҳисобидан «eKarmon» тизимининг банк рақами ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Бунда пул маблағлари тизим фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларида автоматик тарзда акс эттирилади. Айнан ушбу маблағлардан, фойдаланувчилар уй ёки офислардан ташқарига чиқмай бутун республика масштаби бўйича товар ва хизматлар (кино, театр, ҳаво ва темир йўл транспорти учун чипталар, кийим кечак, озиқ-овқат, кредит ва х.к) учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўладилар.

Реал вақт режимида товар ва хизматларини таклиф этиш истагида бўлган хўжалик субъектлар ҳам «eKarmon» тизимида алоҳида руйхатдан ўтишлари лозим. Уларга «eKarmon» тизими орқали электрон савдони амалга оширишларида фойдаланиш учун ЭРИ калитларининг сертификатлари РОМ томонидан топширилади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг уланиши, уларнинг интернет-сайтлари, интернет-дўконлари ёки савдо майдонларининг «eKarmon» интернет-тўловлари тизимига уланиши орқали амалга оширилади. “eKarmon” тизимида товар ва хизматлар «онлайн» режимида сотилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон ҳужжат шаклида тузилган келишув назарда тутилган.

«eKarmon» тизимининг қўшимча функциялари қаторида, битта фойдаланувчининг электрон ҳисобидан иккинчи фойдаланувчининг электрон ҳисобига маблағларни ўтказиш, тизим аъзоларини баҳолаш (аттестация) ҳамда

фойдаланувчиларнинг пул маблағларини банк ҳисоб рақамларига чиқариш каби имкониятлар мавжуд.

Аҳолига ишончли, хавфсиз ва максимал даражада қулай тизим тақдим этиш мақсадида, ишга тушиш арафасида турган «eKarmon» тизими, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун таклиф этилган эди. Билдирилган тавсияларни инобага олган ҳолда, тизимни қўшимча модуллар билан янада такомиллаштириш қарори қабул қилинди. Ундан ташқари, компания вакиллари Ўзбекистон ҳудудида етакчи инновацион технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва ижро этилишига бағишланган тадбирларда фаол қатнашмоқда.

«Multisoft Solutions» Компанияси “eKarmon” электрон туловлар тизимини жорий этиб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида янги дастурий ечимни таклиф этибгина қолмай, ўз олдига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон рақамли имзони қўллаш, электрон ҳужжат алмашиш ва электрон тижоратни жорий этиш инфратузилмасини ривожлантиришда ўз ҳиссасини кўшиш мақсадини қўйган.

Ҳозирги кунгача “eKarmon” тўлов тизими амалда ишга туширилгани йўқ. Лекин оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, бу тўлов тизимига интернет дўконлар веб-сайтларини улаш мутлақо текин амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун дўкон эгалари ООО «eKarmon Group» компаниясининг асосий офисига мурожаат қилиб, қуйидагича бепул имкониятлардан фойдаланишлари мумкин:

- “eKarmon” тизими билан онлайн тўловларни қабул қилиш имконини берувчи интернет дўкон учун тайёр дастурий таъминот;
- Веб-сайтга домен номи;
- ООО «Multisoft Solutions» компаниясининг электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо.

Интернет дўкон эгалари бу тўлов тизимига уланишлари учун ООО «eKarmon Group» компаниясининг асосий офисида махсус бланкаларни тўлдиришлари ва айрим талабларга жавоб беришлари керак бўлади.

Атиги 3-4 йил аввал, электрон тўлов тизимини қўлловчи веб-саҳифалар саноқли эди. Унда асосий тўлов формаси кредит карточкалар эди. Бироқ кредит карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш, электрон тижорат учун қулай эмас. Биринчидан, кредит карточкаларда тўловнинг минимал даражаси белгилаб қўйилган эди, бу эса микро тўловларни амалга ошириш имконини бермайди. Иккинчидан, кредит карточкалар орқали пул ўтказишда банк хизматлари учун минимал сумма билан белгиланган қисми ушлаб қолинади. Учинчидан, кредит карточка рақамлари, электрон тижоратда хафвсизликни таъминлаш учун етарли даражада мукамал эмас.

Электрон тўлов тизими бошқа тизимлар каби тўловни амалга оширувчи ва тўловни қабул қилувчилардан иборат бўлиши керак. Шу нарса аниқки тўлов вазифаси, маълум суммани тўловчидан қабул қилувчига ўтказиши. Электрон тизимларда бу ўтказиш электрон тўлов протоколлари орқали амалга оширилади. Бу жараёнда томонларнинг тўлов протоколи орқали ўтказишини амалга оширувчи, маълум суммадаги пулларнинг ўтишини таъминловчи банклар, молиявий ташкилотларнинг қатнашиши зарур бўлади.

Тўловнинг INTERNET – тизимида молия, бизнес ташкилотлар ва Интернет фойдаланувчилар ўртасидаги савдо ишларидаги молиявий келишувлар амалга оширилади. Айнан, электрон тўлов тизими тўла имконитга эга бўлган интернет дўконларини яратиш имконини беради, харидор маҳсулотга буюртма бериб, ўз компьютеридан узоқлашмасдан тўловни амалга оширади.

Электрон тижорат тизимида тўловлар маълум шартлар асосида амалга оширилади, масалан маҳфийликни сақлаш, харидор тўловларни

интернет орқали амалга оширишда ўз маълумотларини (масалан кредит карточка рақами) махфийлигини сақлашни талаб қилади. Яъни бу борада тўлов тизимининг камчилиги бўлмаслиги керак. Шундай қилиб махфийликни сақлаш талаблари қуйидагилардан иборат бўлади:

